

Ҳамидулло Абдуллаев

# ЭЗОП

BAVR PRESS

# Хамидулла Абдуллаев

## ЭЗОП

*[http://www.litres.ru/pages/biblio\\_book/?art=27355556](http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=27355556)*

*SelfPub; 2017*

### **Аннотация**

Хурматли китобхон биз ушбу тўпламга 3 та мустақил асарни жойлашдик. Улар бир-бирларига ўхшамаслиги учун хайратга тушишингиз табиий, лекин диққат билан кузатиб борсангиз улар ўртасида албатта боғланиш бор. Бири олис ўтмиш, иккинчиси яқин ўтмиш, учинчиси келажак тўғрисидаги. Ўтмиш хардоим келажакдан фарқ қилади, лекин мутлоқ эмас. Ўтмишнинг ижобий томонлари тинимсиз ўсиб улғайганини гувоҳи бўламиз, афсуски нуқсонлар ҳам маълум даражада ўсади, биз истардикки ўтмишдаги жами нокисликлар йўқолиб борса.

## Кириш сўзи

Хурматли китобхон биз ушбу тўпламга 3 та мустақил асарни жойлашдик. Улар бир-бирларига ўхшамаслиги учун хайратга тушишингиз табиий, лекин диққат билан кузатиб борсангиз улар ўртасида албатта боғланиш бор. Бири олис ўтмиш, иккинчиси яқин ўтмиш, учинчиси келажак тўғрисидаги. Ўтмиш хардоим келажакдан фарқ қилади, лекин мутлоқ эмас. Ўтмишнинг ижобий томонлари тинимсиз ўсиб улғайганини гувоҳи бўламиз, афсуски нуқсонлар ҳам маълум даражада ўсади, биз истардикки ўтмишдаги жами ноқисликлар йўқолиб борса.

Бу юк ватандошимиз Абу Наср Фаробийнинг фикрича бахт-саодат тушунчаси “фаол ақлга энг яқин турган нарсадир, ва унинг маъно-мохияти фаол ақл билан қўшилувиди яширингандир. Бахт-саодат фаол ақлнинг энг яқин босқичига шиддат билан етишдики, бу жойда рух моддий таянчга эҳтиёж қолмайди. Бахт-саодат хайрли ишнинг ўзгинаси бўлиб, хар бир инсон эришиши мумкин бўлган мақсадларнинг энг улуғидир. Барча фазилатларнинг мақсади рухий хайрихошлиқдир. Демак барча рухий кечинмаларнинг сабаби ихтилоф ва қарама-қаршилиқдир. Инсон қарама-қаршилиқлар исканжасида улғайиб, камолат ва камчиликларни эгаллай бошлайди. Демак мақсадларимизнинг энг улуғи инсониятнинг бахт-саодати учун, порлоқ келажаги учун қайғуриш ва меҳнат қилиш.

Хозирги замонамизда илм ва тараққиёт шундай имкониятларни яратган-

ки, у бутун башариятнинг асрий орзуси бўлган тўла бахт саодатни ер юзнинг ўзида яратиб беришга қодир. Бу уч асарни диққат билан ўқиб чиққан китобхоннинг кўз ўнгида, босиб ўтгани, шунга қарамай у хар доим эзгуликни орзу қилиб у томон одимлагани, ва айни чоғда оғир юк остида бўлатуриб қанчалик гўзаллашганини, қанчалик муъжизалар яратганини гувоҳи бўлади.

Хотири жамлик

**Соқий ёнда бўлса ёқутлаб санам,  
Узум бўлса, Хизр суви ҳам,  
Зухро Мутриб Исо бўлсада Хамдам,  
Шодлик бўлмас хотир бўлмас эса жам.**

Бир диний уламо танишим шундай хикмат сўзлаб берган эди: Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в) Парвардигорнинг хузурида бўлганларида, энг улуғ неъмат тўғрисида сўраган эканлар. Оллоҳ шундай жавоб берган экан:

Бандалар учун энг улуғ неъмат танисихатлик ва хотири-жамлик.

Бу улуғ неъматни бобокалонларимиз хардоим дуога қўл очиб Оллоҳдан сўраб келганлар.

Бу истакка етишиш йўллари хамма ҳам билавермайди. Хўш унга қандай етишиш мумкин. Энг аввалло нодон одамлар асло хотир-жамликка эришаолмайдилар, чунки уларда нафс ғолиблиги

оқибатида, турли-туман жинойтлар қилишга бўлган мойиллик кучли бўлади. Ана шунинг учун жинойтчиларнинг аксарият кўпчилиги нодон кишилардир. Наркоман, фохишабоз, ўғри, қиморбоз, порахўр кишилар ҳечқачон хотиржамликка эришаолмайдилар ва унга бориш йўларини изламайдилар, қадрламайдилар ҳам, ҳар доим нафс хошишини қондириш билан машғул бўладилар. Демак кишилардаги нокис сифатлар очкўзлик, каландимоғлик, ҳасидгўйлик, бахиллик, хиёнаткорлик кабилар хотиржамлик йўлини беркитиб қўяди. Нопок одамлар ҳечқачон хотиржамликка эришаолмай ўз умрларини фожеа билан ёхуд жазо олиш билан яқунлайдилар. Хотиржамликдан махрум одамларга турмуш қувончлари, ҳаёт гўзалликларини кўриш насиб қилмайди, ҳечқачон меҳр кўрмай афсус ва надомат билан ўтадилар, ўзлари ҳам ҳечкимга самимий меҳр кўрсатмайдилар, Уларга тинимсиз ҳавотирлик, кўнгли ғашлик насиб қилади ҳолос. Хўш хотиржамликка кимлар эришаолладилар?

Унга ҳалол, меҳнатсевар, илмли, маърифатли кишилар эришадилар ва қувончли, унумли ҳаёт кечирадилар. Хотиржам одамнинг уйқуси мириқарли, таоми тотли, кайфияти аъло, асаблари тинч, ҳаёти фаолиятли меҳнати унумли, тани соғлом бўлади, чехраси чиройли, юзидан нур сочилди. Ҳаётимиз осойишта, серзавқ ва мазмунли бўлиши учун юртимиз тинч бўлсин, миллатимиз хотири жам бўлсин, барчамизга Парвардигор ана шу улуғ неъматни дариг тутмасин. Юртимизнинг юксалиши бунданда юксак бўлаверсин.

## Инсон

Инсон ижтимоий жонзот, шундай бўлмаганда эди, бу даражада юксак, бу даражада қудратли бўлаолмас эди. У бир-биридан ўрганиб, бир-бирига ўрганиб ақилли бўлади, ўрганмай ақилли бўлишнинг бошқа йўли йўқ. Тинмай ўрганиб, тинмай ўргатиб, бутун умр меҳнат қилиб толиқмаган одам зоти тинимсиз тараққий қилиши ҳам аниқ, ана шундай хусусият уни ҳечқачон тарк этмайди, чунки унинг вужуди орзулар макони, асло орзу қилишдан тўхтамайи, афсуски кўпгина холатларда орзулар армонлар билан алмашиб туради.

Энди ҳечнарсга ёзмайман дейман асаримни яқўнлаш олди-дан, бироз вақт ўтадию яна ёзгим келиб қолади, бундай холат кўп маротаба такрорланди, охир оқибат хали анчагина асарлар ёзаман шекилли деган хулосага келдим, фикримча инсоннинг фикрлаши умрбод тухтамайдиган жараён экан. Аслида шундай бўлиб чиқди, лекин фикрлашлар ҳам ўзгариб бориб бир нуқтага етканда ижод қилиш учун яроқсиз холга тушиб қолар экан. Бундай холат ҳарқимда ҳархил даврда бошланса керак. Хуллас мен ёзаолмай қолмоқда ман фикрларим айқаш – уйқаш – хотира нураган, тиниқлик мутлақо йўқолган, қувончли кайфият ноёб ходисага айланган. Авваллари бирор нарса ёзиш завқ бағишласа, энди у зўрма – зўраки, илгарилари фикрлар ёмғири остида бўлган, энди томчи сув томмайдиган тақир чўлдаман. Демак барча жара-

ённинг умри бўлгани каби, ижод қилишнинг ҳам ўз фурсати бор. Мен бу жараёнларни ёритишимдан мақсад, ижодкор шошилмоғи. У имконияти ўз ихтиёридалигида кўп ишлаши, кўп ёзиши лозим.

## Кириш сўзи

Ҳарқандай асарнинг чинакам хаками маърифатли ўқувчилардир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида анчагина маърифатпарвар кишилар гангиб қолишди, бундай фойдаланган баъзибир кимсалар, чаласавод маддоҳлар диний либосларга бурканиб олиб вайсай бошладилар, омманнинг бир қисми бунга кўникди ва ишона бошлади. Айни чоғда уларнинг баъзилари “ошиғи олжи” егинларда сўхбатнинг тўрида, хаммани оғизларига қаратиб амру-маъруф қиладилар, авлиёлар номидан, дин номидан, яна алланималар номидан гапирадилар, махаллаларда уларни ҳечким тўхта-тиб қўймайди, хатто танбех ҳам беришмайди, нимани лозим топса, нимани хохласа вайсайберади, телба – тескари гаплар, ёқимсиз бузук ривоятлар, зарарли насихатлар билан кишиларни чалғитади, фикрини бузади, дуога қўл очиб кишиларни алдайди.

Бир ақилли дўстим менга жуда музmunли саволлар билан мурожаат қилди.

1)

Инсон бахт-саодатга эришишга қодирми?

2)

Бахт-саодатга қайси йўлдан юриб борилади?

3)

Бахт-саодат нималигини инсоният аниқлаб олганми?

Жуда жўн кўринган ушбу саволларнинг ечими жуда мурраккаб ва охирига етказилмаган.

Инсон бахт-саодатга эришишга қодир, фақат мутлоқ эмас. Синовдан ўтган жавоб шуки, одамлар бахт-саодат чаманзорига маърифат ва маънавият каби тилсимларни ўрганиб, эгаллабгина қараоладилар. Бу – меҳнат ва илм ўрганиш деганидир.

Бахт-саодатга одамийлик йўли билан донишмандлик билан борилади, албатта худбинлик ва очкўзликни енгиб.

Ҳарқандай муаммолар каби инсоният бахт-саодат нималигини ўз даврига монанд аниқлаб олган. Аслида бу йўл чексиз, демак бахт-саодат излаш ҳам инсоният учун абадий интилишдир, яъни кишилар баркамол бўлиб боришлари лозим. Баркамоллик тушунчаси ҳам тўхтамай ривожланадиган кўрсаткичдир, унга харбир давр ўз нуқтаи – назари билан қараган, лекин барча даврларда ақл билан фазилатлар бирлигина риоя қилувчи гўзал кишилар маънавий баркамол ҳисобланганлар.

Ишқ-муҳаббат масаласига бўлган муносабат ҳам барча замонларда ўзига хос ва хилма-хил бўлган. Одамлар чинакам севгини тушунмаган, қадрламаган даврлар ҳам бўлган, ҳукмрон синф томонидан аёлларни камситиш, дағал муо-

мала қилиш узоқ даврни ўз ичига олади, аёлларни муъжи-за деб қараган, уларни чинакам эъзозлаган шахслар ўтмиш-да жуда кам бўлган. Аёлларнинг юзларидаги чимматни олиб ташлаш, уларнинг ҳуқуқларини ўрнига қўйиш учун бирне-ча минг йиллар керак бўлган, қанча-қанча фожеалар, қонли воқеалар бўлиб ўтган, бугунги кундан аёлларимиз, ҳарқан-ча қувонишса арзийди. Эркакларимиз ҳам худди шундай, ҳарқанча қувонишга ҳақлидир. Буларнинг бош сабаби биз миллат сифатида эркинбиз, юртимиз мустақил. Бу неъмат ҳарқандай бойликдан афзал, бебаъхо, қиёси йўқ. Не-не му-аммо-ю, изтиробларни кўрган миллатимиз бу йўлни узоқ бо-сиб ўтди, барча офату-балоларни, яна қанча-қанча хотира-ларни кўрди. Етиб келган бу манзилимизни харбиримиз пар-варишлашимиз, қадрлашимиз лозим.

## Эзоп

Инсониятнинг босиб ўтган узоқ ўтмиш йўлини ўрганиб чиқсак агар у хардоим муаммолар гирдобида қийинчили-клар исканжасида одимлаган, бехисоб тўсиқлар хардоим хамрохи бўлган. Ана шундай бўлишига қарамай тинимсиз олдинга интилган, орзулар оғушида ҳаракат қилган. Табиат инъомлари мўл теварак атроф мусаффо бўлган ўша чоғларда одамзот нега захматли ҳаёт кечирган деган савол мантиқий-ир. Хали унинг ақли-идроқи яхши ривожланмаган, керакли билимларга эга эмас эди. Ана шу сабабга кўра унинг кушан-

далари беҳисоб, бири қажатқич изғиринлар бўлса, бири ёмғиру-довуллар. Хеч вақоси бўлмаган ярим ёввойи одамлар, ғорларда, қанақадир чайлаларда гурух-гурух бўлиб жон асрашар, ёлғиз яшашликнинг иложи йўқ, харқандай кўргиликни кўпчилик бўлибгина енгиш мумкин холос. Ана шундай зарурат одамни ижтимоий жонзот сифатида майдонга тушишига сабаб бўлди. Табиат инъомлари, мевалар унинг эҳтиёжини қисман таъминлар, хайвонларни овлаш орқали эса емиш ва ёпинчиқ яратар, аста-секин хайвонларни қўлга ўргатиш, ерга ишлов беришни ўрганиб борди. Тош асри деб ном олган ўша даврларда инсоннинг ққуроли тош ва таёқлардангина иборат бўлиб, унинг ихтиёрида мулк ҳам бойлик ҳам йўқ, ана шу сабабга кўра гурух ёки қабила аъзолари бирхил ҳаёт кечиришар, бир-бирига зулм қилиш зарурати йўқ эди. Тинимсиз, аста-секин ривожлана бошлаган инсон фикрлаши унга кўпгина нарсаларни ўргатабошлаш билан биргаликда, қобилият шаклланишига сабаб бўлди, тинимсиз ҳаракатлар, аллақанча неъматларни инъом қилди. Узлуксиз ишлаш моддий неъматларни кўпайишига, асбоб-ускуналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кўп минг йиллик изланишлар оқибатида мулкчиликнинг дастлабки турлари яратилди. Мулкка эгалик қилиш кимларнидир қудратли қилса, мулки йўқ кишиларни уларга тоъбе қилабошлади. Мулкчилик ривожланган сари зўравонлик ва тоъбелик ҳам авж олабошлади, айниқса хилма-хил урушлар кишиларни табақалаб юборди. Хўжайинлар ва мазлумлар пайдо бўлди, худбинлик

авж олган сари бу жараён улғайиб, кул ва кулдорлик деган тузум туғилди ва ривожланабошлади. Бу тузум инсоният тарихидаги энг машъум тузим эди. Ўтмиш давр вакилини кейинги давр кишилари тушунмасликлари, хатто ёқтирмасликлари ҳам мумкин, чунки ўтмишнинг нуқсонлари келажакда осон ечилади ва яққол кўринади, аслида ҳарбир тузумнинг чиркин нуқсонларини бартараф қилиш учун бирнеча асрлар ўтмоғи зарур бўлади. Бу тузум ҳарқанча шафқатсиз бўлса ҳам ривожланиб бораолди. Ўша даврнинг ўз санъати, эътиқоди, мафкуриси ва фалсафаси пайдо бўлиб, кишиларнинг эркинлигини сўндираолди. Узоқ йиллар табиат кўйида эркин фаолият кўрсатиб яшаган кишиларнинг бир қисми қулга айлантирилди, уларнинг салмоғи йилдан-йилга ошиб борар, урушлар мағлуб томонларни, хонавайронлик ночор одамларни қулга айлантириб уларнинг сафларини кенгайтириб, бебош тузумни парваришлаб вояга етказар эди. Бедодлик намунаси бўлган ўша даврлар ҳам ўзининг даъхоларини етиштириб чиқарди. Кейинчалик кишиларни истеъдодлари билан хайратга солаолган машхур олиму-уламолар, доно-ю – файласуфлар ҳам дунёқарашлари билан ўз тузумларини адолатли эканини қул ва кулдорларнинг бўлиши тўғри эканини ёқлаб фаолият кўрсатишар эди. Хаттоки Афлотун, Арасту, Сенека, Цицерон каби файласуфлар ҳам кулдорлик тузумининг тарафдорлари бўлишган. Барча янги пайдо бўлган ижтимоий фанлар – ҳуқуқшунослик, адабиёт, маданият, мантиқ кабилар ҳукмрон синф манфаати учун хизмат қилар,

тоъбелар мутлақо хуқуқсиз ва химоясиз эди. Адолатсизликнинг тимсоли бўлган, инсон табиатининг тубан қисми худбинлик шарафланадиган янги тузум фаолият бошлаган, зурвонлик ва беъдодлик тўла хукмрон синфга айланиб олқишланадиган давр дунёга келган эди. Ҳарқандай адолатсиз жараён халоқатга махкум, афсуски у маълум муддат яшайди. Қулдорлик тузумининг хамроҳлари бўлган тубан майилликлар, хайвоний истаклар қанча фурсат давр суришини ҳечбр кимса билаолмас, фаолият фаоллашиб борар, қулларнинг сафи кенгайгандан кенгайиб авж олар, уларни хайвон қатори олиб-сотти қилишар, хамма шаҳарларда қул бозорлари ташкил қилинган эди.

\*\*\*

Одамлар табиатан тенг эмаслар.

Қул билан қулдор бамисоли хайвон билан инсондир.

Биринчиси жисмоний меҳнатга туғилган бўлиб,

бировларнинг истак-иродаларини амалга оширади.

Улар оқилликни тушунадилар, лекин ўзлари ақлга эга эмаслар

Арасту

Худди бошқа шаҳарлар каби Дельфи ҳам ўзининг қуллар бозори билан машғул. Бу ерга бошқа ўаҳарлардан хилма-хил қуллар олиб келинади. Қул билан савдо қилувчи

олиб сотарлар уларни арзон нархда улгуржисига харид қилиб, кейин аста-секин оширилган нархда сотишади. Қулнинг нархи унинг қадди-қомати, ёши, жисмоний ҳолатига боғлиқ. Харид қилувчилар қулни ечинтириб обдон кўздан кечирадилар, тишларидан тортиб, қулоқ бурунларигача текшириб кўриб кейин савдолашабошлайдилар. Ишни тез битириш учун бир зумда пайдо бўлган далоллар терлаб-пишиб ишга киришадилар. Сотувчига кўзини қисиб, харидорга қулни мақтайбошлайдилар. Тўтиқушга ўхшаб тинмай валдираб чунонам мақтайдиларки, бу мақтовлардан қулнинг ўзи ҳам ўзига махлиё бўлиб қолади. Баъзан савдо касодга учраб баъзан нарх бирданига кўтарилиб қайсидир қул ким ошар бўлиб талаш бўлиб кетади, айниқса қадди-қомати чиройли, сўзлашлари ёқимли бўлса қиймати бенихоя ошиб кетади, аёл қулларни танлаш анча мураккаб. Уларнинг кўринишлари энг асосий кўрсаткич бўлса ҳам, мохирлиги, таом тайёрлаш, уй ишларига қобилияти эътиборга олинади.

\*\*\*

Овчилик харбий ишнинг бир қисми бўлиб, мақсади ёввойи жониворларни ва табиатан бошқаларга бўйсунадиган қулларни овлашдан иборат.

Арасту

Дродо ўз аёли Милейкани жуда севади, шунинг учун

унинг қилган барча илтимосларини бажаришга ҳаракат қилади. У Дельфа шаҳрини узоқ сайр қилди, айтилган барча нарсаларни харид қилди. Энди қул бозорига бориб хотинининг илтимосини бажариши керак, у тайинлаганидек битта қул сотиб олиши лозим.

–

Сиз қандай қул харид қилмоқчисиз? – деди жазман харидор келганини сезган қулфуруш.

–

Аёлим тайинлаганидек бир қул сотиб олмоқчиман, – деди Дродо – Сизда топилармикан?

–

Нархига келишсак ҳарқандай қулни топиб бераоламан – деди савдогар ёқимли илжайиб – гапираверинг.

–

Аввало жуда чиройли, хотиним истаган барча юмушларни бажараоладиган, ҳамда ёқимли бўлсин.

–

Сиз айтгандек бир қул бор-ку, лекин кўриниши кўркем эмасда.

–

Йўқ бўлмайди, фақат чиройли бўлсин.

–

Менга қаранг хужайин – деди ёлғиз бир чеккада ўтирган қул – мени сотиб олақолинг.

–

Вой-бой – деди Дродо қул томонга ўгирилиб – сен жуда беўхшовсан-ку.

–

Кўринишим шунақа, лекин кўнглим кўпгина кишиларни-кидан гўзалроқ.

–

Ақлинг анчагина зукко кўринади.

–

Хархолда бефаросат эмасман.

–

Нима ишлар қилаоласан?

–

Ҳарқандай юмишни сифатли бажараоламан, айниқса кишиларни зерикиб қолмасликлари учун улар билан суҳбатлашиб ўтиришни ҳам эплайоламан.

–

Кўринишинг беўхшов бўлмаганда айти мен қидирган одам экансан.

–

Аёлингиз айнан чиройли қул сотиб олишингизни тайинладими?

–

Худди шундай.

–

Нима учун эканлигининг сабабини ўйлаб кўрдингизми?

–

Йўқ, нега сен хотинимнинг хошишани суриштириб қолдинг?

—

Чунки ҳарқандай илтимоснинг заминида қандайдир мақсад ётади.

—

Хўш, қандай мақсад бўлиши мумкин?

—

Нега у қулнинг айнан чиройли бўлишини хохлайди.

—

Танишларига мақтаниш учун бўлса керакда.

—

Топқир эмас экансиз хўжайин.

—

Қани, нега эканлигини ўзинг айтиб бергинчи.

—

Сўзим оғир тегса уришиб бермайсизми?

—

Айт, уришмайман.

—

Ҳам ёш, ҳам чиройли бўлсин деганининг замирида яширин бир истак бор.

—

Гапир, жуда чўзиб юбординг.

—

Аёлингиз чиройлими?

–  
Бениҳоя гўзал

–  
Ёши нечада?

–  
Мендан йигирма ёш кичкина.

–  
Сиз сафарларда бўласизми?

–  
Албатта, ишим сафарда юриш билан ўтади.

–  
Ундай бўлса аёлингизга қул эмас ўйнаш керак.

–  
Эй ахмоқ қул қандай хаддинг сиғди менинг латофатли аёлим тўғрисида шундай дейишга.

–  
Сиздек ёши ўтиб қолган беўхшов эркакнинг ёшгина хуш-рўй аёл учун нима кераги бор.

–  
У мени севади.

–  
Йўқ, у атайлаб шундай дейди холос.

–  
Сен беҳаё сўзларни гапиряпсан.

–  
Қул беҳаёлик қилаолмайди, унинг барча хохишлари ки-

шанлаб қўйилган.

—

Аёлимга ўйнашнинг нима кераги бор?

—

Сизнинг унга нима керагингиз бор.

—

Сўзларинг бироз ўйлантириб қўймоқда.

—

Мени сотиб олинг, аёлингизни асл мақсади аста-секин  
фош бўлади.

—

Яна нима ишлар қўлингдан келади?

—

Масаллар айтиб бераоламан.

—

Қул бўлатуриб масал ҳам айтаоласанми?

—

Қобилият ҳаммада бор, уни биз қуллардан тортиб олиша-  
ди-да, кейин тинимсиз камситишади.

—

Қани бир эшитайлик, сўзла.

—

Сизга маъқул бўлармикан?

—

Аввал эшитайликчи.

—

Масаллар харкимга ҳам бирхилда ёқабермайди.

—

Қандай одамларга ёқади?

—

Жуда ҳам ақилли одамларга ёқади холос.

—

Сенинг наздингда мен ақилли одамга ўхшамайманми?

—

Унчалик ҳам ақилли кўринмайсиз, лекин оқкўнгил экан-  
лигингиз аниқ.

—

Нега бундай хулосага келдинг.

—

Чунки хотинингиз нима деса ишонаберар экансиз.

—

Сен кулвачча хийла ақилли кўринасан.

—

Тўғри сўз ёки ақилли бўлиш кул учун ортиқча хусусият  
вақти келса кўргиликдир.

—

Тўғри айтасан, қал сен учун хатто зарарли, хужайинингга  
нисбатан ақилли бўлсанг қоласан балога.

—

Бундай кўргиликларга кўп учраб калтакни тайида қолган  
пайтларим кўп бўлган.

—

Майли, кўп гапириб юбордик энди масал айтиб мени бир қувонтирсанг сени сотиб оламан.

—  
Бир эмас бир неча масал айтганим бўлсин

## **ПРОМЕТЕЙ ВА ОДАМЛАР**

Прометей Зевс амри билан лойдан одамлар ва хайвонлар-ни яратди. Бирок Зевс кўрдик, онгсиз хайвонлар анча купайиб кетибди. У хайвонларнинг бир қисмини нобуд қилиб, одамлар яшашни буюрди. Прометей топширикни бажарди; аммо оқибати шундай бўлдики, хайвонлардан қайта ясалган одамлар инсон киёфасини олган эсалар-да, қалблари хайвон тахлитлигича қолаверди.

Масал купол ва нодон кимсаларга қарши қаратилган.

## **ГҲНГҚАРҒА БИЛАН ТУЛҚИ**

Гўнгқарга бир бўлак гўштни илиб кетиб дарахтга қунди. Буни кўрган тулкининг ўша гўштни егиси келди, гўнгқарганинг тўғрисида туриб олиб мақтовларни ёғдира кетди: у нақадар улуғ, нақадар чиройли, барча қушлар устидан подшо бўлса бошқалардан яхшироқ подшолик қилишига ҳеч шубҳа йуқ, албатта, овози ҳам бўлганда шундай бўлиши турган гап эди. Гўнгқарга ўзининг овози борлигини жуда кўрсатгиси келиб, қаттик. қағиллаб юборди, шу онда гўшт оғзи-

дан тушиб кетди. Тулкихон эса югургилагенча гўштга ёпишди-да, шундай деди: «Эх, қарғавой, агар каллангда аклинг хам булгандами, подшоҳлик қилиш учун сенга бошқа ҳеч нарса керак бўлмасди».

Масал лақма одамга нисбатан ўринлидир.

## **ЭМАН ВА ҚАМИШ**

Эман билан қамиш, ким кучли, деб бахслашибдилар. Кучли шамол турганда қамиш унинг шиддатидан ерга қапишиб, омон қолибди; эман булса шамолни бутун, куksини туги қарши олибди, кучли шамол уни илдиз-пилдизи билан қупориб ташлабди.

Масал кудратлилар билан бахслашмаслик жоизлигини кўрсатади.

## **АРСЛОН ТЕРИСИНИ ЁПИНГАН ЭШАК**

Эшак арслон терисини ёпиниб, нодон ҳайвонларнинг утакасини ёриб, у ёчдан бу ёкка юра бошлади. Тулкихонни куриб уни хам қурқитмокчи бўлди; бироқ тулкихон унинг ханграшини эшитиб, деди: «Амин бўлки, агар ханграшингни эшитмаганимда, сендан қурққан бўлардим!»

Баъзи калтафаҳмлар ваҳима кўтариб, ўзларининг нарҳини оширмакчи бўладилар, бироқ гап-сўзлари билан кимлигини фош қилиб қуядилар.

## ЙУЛОВЧИ БИЛАН ГАЗАНДА

Йуловчи киш пайти йулда бораётиб совуқдан тиришиб, улаётган бир илонга кўзи тушди. Раҳми келиб уни ердан олдида, қўйнига солиб исита бошлади. Илон карахтлигида жим ётди, бироқ жон кириб, тирилгани захоти халоскорининг қорнидан чақди. Ажали етаётганини англаган йуловчи пушаймон бўлиб деди: «Ўзимни худо урган: нега ўлаётган газандани қутқардим, у хатто тирик бўлса ҳам ўлдириш керак эди-ку?»

Масал ёвуз одам ҳеч қачон яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармаслиги, бироқ иложини топса валинеъматига қарши бош кўтариши муқаррарлигидан огоҳ этади.

—

Масалларинг жуда ибратли, сен мени хайратга солабошладинг.

—

Шунинг учун мени сотиб олинг деяпманда.

—

Нима учун айнан менинг сотиб олишимни истаяпсан?

—

Сиз бироз инсофли одамга ўхшайсиз.

—

Бошқалари инсофсизми?

–

Нафақат инсофсиз, ўта бешафқат ва золим бўлишади – деди у кўйлагини кўтариб – манабу қалтак изларини кўриб ўзингиз хулоса қиларсиз.

–

Бай-бай, соғ жойинг қолмабди-ку.

–

Биз қулларнинг нафақат бадани, таҳқир ва ҳақоратлардан дилларимиз пора-пора бўлиб тилинган.

–

Эх бечора қул, ўзинг ҳам бу кўргиликларга сабабчи бўлгандирсан.

–

Албатта ўзим ҳам айбдорман.

–

Нима айбинг бор?

–

Фақат тўғри сўзлайман холос.

–

Нега ёлғон ишлатмайсан?

–

Борди-ю ёлғон ишлатсам у ошқор бўлиб қолса қаттиқ жазолашади, ўлдириб юборишлари ҳам мумкин.

–

Яна бошқа масалларни ҳам биласанми?

–

Бехисоб масаллар биламан.

—

Қани яна эштайликчи

## **ЧОЛ В А АЖАЛ**

Бир куни чол ўтин қилгач, уни орқалаб уйига жўнади; йўл узоқ эди, жуда чарчади, ўтинни ерга отиб ташлаб, ўзига ўлим тилай бошлади. Шунда ажал пайдо бўлиб, нега чақирдинг, деб сўради. «Мана бу ўтинни елкамга қуйиб юборсанг, деб чақирдим», — деди чол.

Масал одам ҳар қанча бахтсиз бўлса ҳам, хаётни яхши кўражагига ишорадир.

## **ҚОБОН ВА ТУЛКИХОН**

Қобон дарахтнинг остида туриб тишини қайрашга киришди. Тулкихон унинг нега шундай қилаётганини сўради: овчилар ҳам кўринмайди, бошқа бирор фалокатдан ҳам дарак йўқ, лекин сен тишларингни қайраётгирсан? Қобон жавоб берди: «Ҳаракатим беҳуда эмас: фалокат бостириб келганда, тишларимни ўткирлашга вақт сарфлаб ўтирмайман, тайёр турган бўламан».

Масал хавфхатарларга аввалдан тайёрланиш зарурлигини уқтиради.

—

Анчагина ибратли масаллар айтдинг, сени сотиб оламан.

—

Сухбатларинг анчагина жиддий тус олгани учун сизларни кўйиб бердим – деди Қулфуруш.

–

Бу қулингиў бадбашара бўлса ҳам менга ёқиб қолди, уни сотиб оламан.

–

Бу ишингиздан пушаймон бўлмайсиз жаноб – деди у пулнинг хидини сезиб – менга қолса пул ҳам олмай сизга сийлов қилиб юборар эдим, лекин янги қулларни харид қилишга дастмоям етмайроқ турибди.

–

Биламан

биродар, қулларингиз сотилмай қолиши сизлар учун ортиқча чиқим бўлади.

–

Эй, нимасини айтасиз, уларнинг қорни бор, таг жой учун пул тўлаш керак.

–

Майли сотиб олганим бўлсин, унинг исми нима?

–

Эзоп, у қул бўлмаганда машхур одам бўлган бўлар эди, харбир сўзи ибратли, вужуди ақл.

–

Эзоп, у бугундан бошлаб менинг қулим бўлади.

\*\*\*

Хар қандай даврда эзгуликка бўлган ташналик йўқолган эмас, энг зулмкор одамлар ҳам вақти келиб унга муҳтож бўладилар.

—

Сандра буёққа кел – деди Милейка оқсоч аёлни чақириб.

—

Лаббай хоним, нима хизмат буюрасиз.

—

Елкамни бир уқалаб қўй.

—

Хўп бўлади, Дродони келишига пардоз қилиб қўймайманми?

—

Мунча Дродо деяверасан, уни севиб қолганинг йўқми.

—

Вой ўлмасам, бундай қалтис хазилни қилманг бекам – деди оқсоч кўкрагига туфлаб – Хўжайин қаёқда-ю мен оқсоч қаёқда.

—

Йўқса хадеб менинг эрим хақида гапираверма.

—

Хўжайинни юрагини жиғиллатиб юринг дейманда.

—

У шундоқ ҳам ошиқу беқарор, чизган чизигимдан чиқ-

майди.

—

Барибир хушёр бўлишингиз лозим, пулдор одамларга аёллар ўч бўлишади, эрингиз бадавлат одам.

—

У барибир мендан ортиғини тополмайди билдингми?

—

Албатта.

—

Йўқса нега инжикилайберасан?

—

Бахтли бўлинглар дейманда.

—

Йўқ, сен менинг чиройимга шубха билан қарайсан.

—

Мутлақо ундай эмас, сизнинг қамон қошларингиз, жингалак сочлару хуммор кўзларингиз ҳеч кимда йўқ.

—

Гапларинг рост бўлса мени шундай безатгинки кўрган одам ўзини йўқотиб қўйсин.

—

Меҳмонлар келишадими?

—

Йўқ, бир киши келади холос.

—

Ким экан у бекам.

—  
Зобит йигит Аргос хузурига меҳмон бўлиб келади.

—  
Вой ўлмасам, эрингиз клиб қолса нима бўлади?

—  
Хеч нарса бўлмайди, айти ўйнаб-куладиган даврим, агар хохламаса уни ташлаб кетаман.

—  
Ундай деякўрманг бекам, эрингиз яхши одам, у сизни чинакамига севади.

—  
Бунинг ўзи камлик қилади, мен ҳам уни севишим лозим.

—  
Келинг бекам яхшиси сочларингизни тартибга солиб силаб қўяй, юзларингизга упа-элликларни суркаб безатамиз, бирам хушбўй, бирам чиройли бўлиб кетасизки.

—  
Ростини айт мен чиндан ҳам чиройлиманми?

—  
Эркаклар учун офатижоннинг ўзисиз, сочларингизни тараб хузур қилади киши, бирам ёқимли, бирам хушбўй. Бу сочларни силаган эркак нақадар бахтли бўлади.

—  
Сен кимни назарда тутаяпсан?

—  
Эрингизни-да.

–  
Хадеб эримдан гапираверсанг сени унга олиб бераман.

–  
Мен оқсочни бошига урадимми?

–  
Барибир ич-ичингдан эримни севиб қолганга ўхшайсан.

–  
Тавба қилдим бекам, мен бир чўриман холос.

–  
Мен Аргосни кўриб сухбатлашгим бор, тушундингми?  
Ўзиям эркакмисан, эркакда.

\*\*\*

Бойлик жамият ривожигша энг катта таъсир ўтазувчи муъжиза бўлиб жуда кўплаб шодликлар келтириш билан биргаликда жабру-ситамлар ва зўравонлик каби касофатларнинг ҳам сабабчисидир.

Бўри бўйнига арқон боғланган семиз итни учратиб, ундан сўрабди: “сени ким бунчалик семиртирди”

–  
“Хўжайиним овчи” – дебди ит.

–  
Буйнимга қайиш боғланган қисматдан Худонинг ўзи асрасин, оч бўлсам ҳам эркинликка нима етсин – дебди бўри.

–

Айтган масалинг жуда ибратли – деди Дродо кулимсираб – Сен кул бўлганинг учун эркинликни қадрлайоласан, бизлар бошқача фикрлаймиз.

–

Қулликнинг жисмоний азобидан ҳам ҳақоратланиши оғирроқ. Хамма бизга нафрат билан қарайди, хохлаганича таҳқирлайберилади.

–

Биласанми Эзоп Библияда ёзилишича Худо олдин ту-проқдан Адамни кейинчалик унинг қовурғасидан Евани яратган. Уларни жаннатга киритиб, бир нарсани қаттиқ огохлантирган. “Дарахтларнинг ўртасида бир туп дарахт ўсади, унинг меваси яхшили ва ёмонликни англатадиган хусу-сиятга эга. Бу мевадан асло татиб кўрманглар” деб уқтирган. Илон қиёфасида яширинча жаннатга кириб олган шайтон Евани авраб ўша мевани тотиб кўришга давват қилади. Шайтоннинг мақсадини фахмлаган аёл Худонинг огохлан-тирганини унитиб ўша мевани узибтатиб кўради, бўндай қи-лишга Адамнинг ҳам кўндиради. Ғазабланган Худо Адам ва Евани жаннатдан чиқариб ер юзида захматли хаёт кечири-шга, Адам тер тўкиб нон етиштиришга, Ева қийналиб фар-зандлар туғишга ҳукм қилади. Ана ўшандан буён одамлар азобу-уқубат билан яшашга маҳкумдирлар.

Сен Эзоп кўпам қайғураберма, барчамизнинг тақдиримиз шунақа.

—

Эхтимол шундайдир-ку Хўжайин, лекин ҳечбир қулдор қул бўлишга рози бўлмайди. Хўжайинлар қуллик азобини билмайдилар.

—

Сен менинг ишончимни оқласанг эхтимол қулликдан озод қиларман.

—

Ҳазилашаётганингиз йўқми хужайин.

—

Йўқ чиндан айтяпман, лекин бу кўп жихатдан ўзингга боғлиқ.

—

Қани энди гапингиз амалга ошса, мени илгарилари кўп маротаба алдашган.

\*\*\*

Интилиш, яшаш шавқи инсонни тинимсиз ҳаракатга солар, ўз эҳтижини қондириш учун аста-секин меҳнат қилишни ўрганиб борарди. Илгарилари табиат қўйнидан юлиб оладиган нарсалар билан озуқланган бўлса, эндиликда жамғариб қўйишни ўрганабошлади, айниқса ёввойи хайвонларни қўлга ўргатиш, ерга ишлов бериб ҳосил етиштириш, эҳтиёжини қондиришдан ташқари келажаги учун замин тайёрлар эди. Хуллас ярим оч, ярим яланғоч, ҳамкорлида яшаш учун қурашадиган одамлар авваллари меҳнат қилишни, кей-

инроқ бориб онгли меҳнат қилишни ўрганиб борди, Нихоят одамзот ихтиёрида мулк пайдо бўлабошлади. Оғирини энгил қиладиган, хардоим асқотадиган мулкни кўпайтириш хаваси янада ортабошлади. Бора-бора мулкни кўпайтириш учун меҳнат қилишдан кўра уни бировлардан тортиб олиш имконияти туғилди, бу йўл жанжаллар ёки урушларга сабаб бўлар, одамларни ёвузлик томон сурар. Кимнинг мулки кўп бўлса ўша қудратли бўлиб борар, бошқаларни тоъбе қилиш имконияти ортар эди. Мулк эгаси хўжайин, мулксиз киши тоъбе бўлиб охир оқибат хўжайинлар ва қулларни пайдо бўлишига олиб келди. Бошқаларнинг меҳнат махсулини ўзлаштириш, худбинлик ва текинхўрли хукмрон бўлган қулдорлик тузумини бошлаб берди. Қулдорлик кишилиқ жамиятининг бойликка ружу қўйган, биринчи энг кўпол поғонаси бўлиб дунёга келди. Бир вақтлар қайғу ва шодликлар омухта эди. Одамлар қийинчиликлардан қийналсалар ҳам эркин ва тенг эдилар.

Қулдорлик тузуми ҳуқуқсиз, эрксиз кишилар сафини барпо қилди, ана шу музлумлар сафи шодликдан махрум бутун умрга қайғуда ҳаёт кечиришга махкум эдилар. Айни пайтда одамлар чинакам қайғу ва шодликнинг билишмас, шу сабабдан кадрлашни ҳам билаолмас эдилар. Шодликка эришиш, қайғуни буткул йўқотиш учун кураш бошланган буни зиддият деб атайбошлаган эдилар. Инсоният қутулиб бўлмайдиган ана шу зиддият гирдобига кириб қолди. Қуллар эркинликни, қулдорлар ўз қулларининг сафини кенгайтиришни ўй-

лайдилар, эзгулик ҳақидаги тушунчалар жуда ожиз, маънавия ҳақидагилари эса чалкаш, адолат фақат хукмронлартомонида бўлиб, мазлумлар ундан маҳрум эдилар. Бу тузумни такомиллаштириш тўғрисида қайғурувчилар кўп бўлсада уни бузиб қайта қуриш ҳақида ҳечбир хукмрон ўйламас эди.

\*\*\*

—  
Сандра буёққа кел – деди Милейка бир нарса эсига тушиб.

—  
Лаббай бекам, нима иш буюрадилар.

—  
Сен халиги Аргос ҳақидаги гапларни эримга валдираб юрма тагин.

—  
Йўғе, ўлибманми бундай бўлмағур гапларни айтиб.

—  
Нақ терингни шилиб оламан.

—  
Ҳарқандай сиригизни айтаберинг, бировга чурқ этсам харом ўлай.

—  
Очиғини айтсам эримни унчали суймайман.

—  
Нега бекам, у яхши одам-ку.

–

Мени қаттиқ севишини биламан, лекин ёши ҳам қайтиб қолган. Файласфман деб кўп мақтанади. Ичиб олса ўзини бошқараолмай ғирт жинни бўлиб қолади.

–

Эркакларнинг барчаси шунақа, кўнглини олаберсангиз вақти келиб унинг мулкига эга бўласиз.

–

Биласанми аёл киши учун ёнида севган йигити бўлиши керак, йўқса ҳеч нарса татимайди.

–

Хамма нарсага эришгансиз бекам, бахтли эканлигингизни унчалик билмайсиз. Хали замон эрингиз келади, ўзингиз ором бериб кутиб олинг.

–

Биласан у келиб нима дейди, “Милейка азизим сени соғиндим, барча нарсаларингни олиб келдим”.

–

У сизни чиндан ҳам севади.

–

Айтган нарсаларимни ярмини эсидан чиқариб қўйган бўлади, мен адабини бериб қўяман.

–

Ундай қилманг бекам, яхшиси эркалатиб кутиб олинг. Мен кокилларингизни кўнғироқ қилиб қуяман, мушк-анбарлардан сепиб оласиз.

—  
Орқаси бурама, хаворанг қўйлагимни олиб кел.

—  
Хўп бўлади.

\*\*\*

Харқандай тузум кишиларнинг сай-харакатлари билан барпо қилинади, уни янгилаш учун бирнеча асрлик муддат билан биргаликда беҳисоб изтироблар ва миллион миллион кишиларнинг қурбон бўлишини тақозо этади.

Азал-азалдан инсон табиати бойлик ортиришни хуш кўрган. Нима учун, нега тинимсиз бойликка интилишнинг асл сабабини барча ҳам билавермайди. Бойлик ҳақида сўз юри-тилганда фикрлар хилма-хил бўлиб, баъзи бировлар уни хавfli ёки зарарли деб ҳам ҳисоблайдилар. Бойликдан қочиш лозим, ундан ҳазар қилиш керак дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай фикрлар нотўғридир. Аввалло бойликни ҳамма севади, мўл-кўлчиликда яшаш барчанинг орзусидир, ахир харқандай одам ўз жисмига эга, албатта хилма-хил моддий эҳтиёжлар чангалида яшайди, ҳеч ким, ҳеч қачон эҳтиёжсиз, ҳеч нарса истехмол қилмасдан яшайолмайди. Унинг эҳтиёжи хилма-хил ва тинимсиз ўзгаришда, жамият қанчалик ривожланса эҳтиёжлар ҳам ана шундай ўзаберади.

Кишилар бойликка талпинмасалар эди, уни ўзлаштириш-

га бўлган интилиш бўлмаса эди, бирор гўзаллик ёки буюмнинг қадри умуман бўлмас эди. Бойликни қадрлаш, бой-бадавлат бўлиб яшаш учун тер тўкиб меҳнат қилиш ва интилиш ижобий фазилатдир, лекин очкўзлик билан бировларнинг меҳнати эвазига бойлик тўплаш салбий хислатдир. Эзгу ишларга сарфлаш учун тўпланган бойлик ҳам эзгу ишдир. Мазмунсиз, ўз хирсий хохишлар йўлида тўпланган бойлик ўта хавфли бўлиб, жамият учун ҳам зарарлидир.

Юнон файласуфи Суқрот ўзининг шогирди Афлотун билан бозор айланиб хайратланган экан.

—

Афлотун қара-я, мен учун бўлмаган буюмлар шу даражада “кўп эканлигини билмас эканман”.

Иқтисодий қашшоқлик, маънавий қашшоқлик билан қондош эгизак, иккинчиси ҳам даволанмаса, соғлом турмуш ва адолат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, маънавий инқиров ҳардоим қуллик томон судрайди барча қоидалар зўравонликка асосланган бўлиб, ор-номус, виждон, уят ва мамлакат қонунлари ҳам хукмронлар манфаатини химоя қилади соғлом иқтисод адолатнинг якунидир, адолат эса чинакам ақлнинг мақсулидир.

Хозирчалик инсоният соғлом иқтисод нималигини билмайди, унинг ўзи кашф қилган адолати бор. Чинакам иқтисод, чинакам адолат хали олисда, маънавият ва эзгулик ҳақидаги фикрлар чалғиш. Олис йўл томон тинмай оимлар, одимлашга ҳардоим мажбур.

\*\*\*

Бойлик жамият ривожига энг катта таъсир ўтказувчи муъ-  
жиза бўлиб, жуда кўплаб шодликлар келтириши билан бир-  
галикда, жабру-ситамлар ва зўравонлик каби касофатлар-  
нинг ҳам сабабчисидир.

–

Милейка жонгинам мен келдим – деди кўтарингки рух би-  
лан хонадонига кириб келган Дродо – Келганимдан хурсанд-  
мисан?

–

Агарда мен айтган барча илтимосларимни бажариб келган  
бўлсанг хурсанд бўламан, борди-ю ...

–

Борди-ю ... эсимдан чиққан бўлса жahl қиласан, шундай-  
ми?

–

Шундай, сен азалдан топқирсан.

–

Агарда барча илтимосларингни бажариб келган бўлсам-  
чи?

–

Унда мукофот бераман.

–

Яхши у холда мукофот беришга тайёрланабер

–

Аввал қилган ишларингни айтиб бер.

–

Сен аввал қандай мукофот беришингни айт.

–

Содда бўлмай қолғуре...й, хар сафаргидек битта хохишингни қондиришда.

–

Нега йўқса кўзларингни сузмаяпсан – деди Дродо хохохлаб кулар экан.

–

Чунки сен кўзларимни сузишга ярашадиган қилиқлар қилмаяпсан – деди у ишвали қараш қилиб – умуман олганда сен беуқув эркаксан, файласуфман деб валдирашларинг ҳам менга унчалик ёқмайди. Аёлларга файласуф эмас ёқимли эркак керак.

–

Сен мени хафа қилдинг Милейка, мен файласуфлигим билан фахрланаман, ўртамиздаги севгини поймол қилма.

–

Агар чинакам файласуф бўламан десанг, аёлларнинг қалбини титратаол, уларга сенинг ақлинг эмас эркаклик махоратинг керак.

–

Нима, у менда йўқми?

–

Хушёрлигингда-ку анча баъманисан, аммо тўйиб шароб ичиб олганигда барчасини чилпарчин қиласан, расвосини чиқарасан.

–

Бу хатоларимни тузатишга ҳаракат қиламан.

–

Гапларингга ишониш қийин, майли сени бугун хурсанд қилишга ҳаракат қиламан, менга нималар олиб келдинг?

–

Деярли барча айтганларингни унутмадим, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, хархил ширинликлар ва хоказо.

–

Энг муҳим илтимосимни унутибсанг-ку.

–

Йўқ, ҳеч нарсани унутганим йўқ.

–

Менинг хизматларимни бажариб юрувчи қул сотиб ол деган эдим, нахотки унутган бўлсанг.

–

Жонгинам сенинг илтимосингни унутиб бўладими.

–

Қани харид қилган қулинг.

–

Хозир – деди Дродо жилмайиб чапак чолар экан.

–

Лаббай хужайин – деди югуриб кирган оқсоч хотин.

–

Сандра йўлакда турган қулни буёққа бошлаб кир.

–

Хўп бўлади.

\*\*\*

–

Вой, вой – деди Милейка кириб келган қулни кула-кула томоша қилар экан – Шуми, олиб келган матоҳинг.

–

Сен хулоса чиқаришга ошиқма – деди Дродо, Эзоп томонга ишора қилиб, – кўриниши беўхшов бўлса ҳам ўзи бир хазина,

–

Бундай хазинани бошимга ураманми, кўринглар нима дейишади.

–

Аввал у билан сўзлашиб кўргин, кейин ўзинг билиб оласан.

–

Мен таниш билишларимга кўз-кўз қиладиган чиройли йигит олиб келгин деган эдим, сен бўлсанг бир махлуқни етаклаб келибсан.

–

Бекам – деди Эзоп мулойимгина жилмайиб – аввал танишиб олсак, сўнгра биттагина масал айтиб берсам нима дейдилар.

–

Яхшиси бу башаранг билан менга кўринмасан бўлар эди.

–

Менинг кўринишим хуник холос, бировларга ўхшаб қалбим сасиган эмас.

–

Буни дарров хузуримдан йўқот Дродо – деди ярим бақириб Милейка – йўқса бу ердан қочиб кетаман.

–

Бироз шошилмасангчи.

–

Йўқ, мени аврашга уринма, сенга мен чиройли, сочлари кўнғирок, қоматлари келишган қул олиб кел деган эдим-ку.

–

Шошилманг бекам – деди Эзоп ёқимли товуш билан – Биз қуллар учун қаерда хизмат қилсак ҳам барибир захматли, ҳамма ерда хўрлик ва хақоратларга уўмилиб яшаймиз.

–

Нима демоқчисан?

–

Мени сотиб юборишан осони йўқ, лекин мен каби садоқатли қул топиш амри маҳол.

–

Хўш, гапир нима демоқчисан?

–

Тулки умрида шерни кўрмаган экан, кунларнинг бирида у билан юзма-юз келиб қолибди. Шерни биринчи бор кўргани учун чунонам кўрқибдики, оёқ қўлларидан жон чиқиб кетаёзипди. Иккинчи маротаба кўрганда унчалик кўрқмабди, учинчи маротаба кўрганда унга пешвоз чиқибди, бора-бора улар бемалол сўхбатлашадиган бўлиб қолибдилар. Қиссадан хисса шуки биз гўзал хотинларнинг хуснига қандоқ кўниккан бўлсак, бадбашаралар улар ҳам кўникиб кетишади.

–

Сен хали ўзингни шерга ўхшатасанми – деди Милейка шарақлаб кулар экан – Қаранглар бу шер эмиш, мен эса тулки, сен ўзингни яхшиси итвачча деб атагин.

–

Йўлбарс билан тулки икковимиздан қайсимиз чиройли деб бахслашиб қолишибди. Йўлбарс терисининг чиройи биланмақтанибди. Шунда тулки туриб: менинг чиройим теримдамас, юрагимда” – дебди.

–

Сени хали чиройли юрагинг ҳам борми?

–

Биз қулларнинг барчасини юраги чиройлидир, хуник бўлишига сизлар имкон бермайсизлар.

–

Бу қул анча билимдонга ўхшайди.

–

Товус Турнанинг патларидан кулиб, уни кўп мазах қилар экан. Менинг зарбоб чирой патларимга хавас қилсанг керак, сен беўхшов “сўтакбой”! Унга жавобан Турна – Мен юлдузлар томон учаман, осмоннинг юқори қатламларигача парвоз қиламан, сен эса ерда, батқоқликларда зарбобпатларингга махлиё бўлиб юраберасан. Эх бечора” деган экан.

–

Чакки эмас – деди Милейка бироз ўзгариб – бу олиб келган қулинг чиндан ҳам билимдонга ўхшайди.

–

Сенга айтмадимми – деди Дродо бироз ховлиқиброқ, уни вақти келиб барчамиз яхши кўриб қоламиз. У асло ёлғон гапирмас экан.

–

Сен масалчи экансанда – деди Милейка Эзопага биринчи маротаба жиддий тикилиб Бунчалик кўп масалларни қаердан ўргангансан.

–

Ҳаётнинг ўзи ўргатган.

–

Яна нималарни биласан?

–

У жуда кўп нарсаларни билади – яна гапга аралашди Дродо Эзопнинг ўрнига жавоб беришга шошилиб – Кўплаб Мифларни ҳам, ўқиш ёзишни ҳам билар экан.

–

Ох – хо ... – деб юборди Милейка оғзининг таноби қочиб  
– бало экан-ку.

–

Йўл йўлакай ибодатхонага кирдик ўтирдик, деворлардаги  
барча ёзувларни у менга ўқиб, мағизини чақиб берди.

–

Хали у бизларни кўп маротаба қойил қолдирадиганга ўх-  
шайди – деди Дродо ишнинг яхши томонга ўзгараётганидан  
қувониб.

–

Келинлар бўлмаса уни кўпроқ тинглаймиз нималарга қо-  
дир эканлигини билиб оламиз.

Милейканинг қиёфаси ўзгариб ўзининг асл ҳолатига қай-  
та бошлади, одатда у эрига танбех беришни хуш кўрар,  
атайлабдан ўзини жахли чиққандек кўрсатиб Дродони бироз  
қийнар, унинг ялинишлари, “севаман” деган хушомадлари-  
ни эшитгандан сўнг бошқачароқ ҳолатга ўтиб бахслашишни  
тўхтатар, ҳатто мақтаб ҳам кўяр эди, бундай одати билан эри-  
нинг устидан тинимсиз ҳукмронлик қилишни бушаштирмай  
иш юритарди. Ҳозир бу услубини унутиб, Эзопга чиндан ҳам  
қойил қолганини тан олабошлади. Хайвонга бўлган муноса-  
батидан пушаймон бўлиб, қанақадир қизиқиш таъсирига ки-  
риб қолди. Бу беўхшов қулнинг ёнида бўлиши қизиқарли бў-  
лишига ундан нималарнидир ўрганиб олиш мумкинлигига  
хайратлана бошлади. Ахир қул хайвон қатори бўлмоғи ло-

зимку, унда ақл, билим олишга бўлган қобилият бўлмас эди-  
ку. Қул билан суҳбатланишнинг ўзи қулчилик, бўнинг устига  
ундан масаллар, афсоналар тинглаб завқланиб ўтиришся-я.

—  
Нималар тўғрисида сўзлаб берай бекам?

—  
Бизларга ўзинг ёқтирган масаллардан бир талай айтиб  
бер.

—  
Хўп бўлади, зериктириб қўймасам бўлгани.

—  
Айтабер.

—  
Қайси мавзуда айтай.

—  
Узинг хоҳлаган нарсалар тўғрисида.

—  
Мен бирнеча масаллар айтиб бераман, хукм чиқариш сиз-  
ларнинг ихтиёрингизда.

Тулки ва узум

Очлик ва ташналикдан қийналиб келаётган тулкивой да-  
рахт шохига осилиб турган узум бошини кўриб қувониб  
кетибди, Сакраб-сакраб етаолмабди, охири иложсиз бўлиб,  
“боре пишмаган узум” деб жўнаб қолибди.

Олаолмаса пуф сасиқ деган гап шундан қолган.

## Қўнғиз ва чумоли

Қишга тайёргарлик кўриб тинмай меҳнат қилаётган чумолини кўрган қўнғиз уни масҳаралайбошлади, “мунча ўзингни қийнамасанг” менга ўхшаб тираллабедод қилиб ўйнаб кулсанг бўлмайдими?”

Чумоли индамай қўяқолибди. Қахратон қиш бошланиб, ёмғиру-бўронлар ҳаммаёқни музлатиб юборибди. Озуқасиз қолган қўнғиз бир аҳволда ялани чумолининг олдига келибди: “қиш чиққунича озгина озуқангдан қарз бериб тургин, очимдан ўлиб қолмай”. “Ўз вақтида меҳнат қилиш ўрнига менинг устимдан кулган эдинг, мана энди ахволингни кўриб турибман” дебди чумоли.

## Камбағал

Қашшоқ бир йигит ёғочдан ясалган Бут-хайкалча топиб олибди Бутни худо деб тушунган йигитча, “Мени бой бадавлат қил” деб роса сиғинибди. Асло фойдаси тегмай яна бирнеча кун ана шу аҳволда ялинишни давом эттираберибди. Тоқати тугагач йигит хайкалчани жahl устида каттакан тошга урибди. Чил-чил бўлиб синган хайкалчанинг ичидан олтин ва кумуш тангалар тўкилибди.

“Эй сени қара-ю шунча ялинсам ҳам бир чақали фойданг

тегдади ахмоқвой, мана энди бир зарба билан кўп мурувват қилдинг” – дебди қувониб кетган йигит.

Кимки нодонга меҳр кўрсатса зарар кўради, адабини бериб қўйса фойда топади.

## Икки тувак

Анхорда икки хил тувакни оқизиб бормоқда эди, уларнинг бири лойдан, иккинчиси мисдан эди.

“Менга яқинлашмай узоқдан сузгин” дебди лойдан ясалган тувак, мис тувакка – Озгина тегиб ктсанг мени майдалаб юборасан. шунинг учун мени ҳам сенга яқинлашгим йўқ.

Бадавлат кишининг ёнида бўлиш камбағал учун ноқулай

## Бўқа ва қурбақа

Бақа сув ичгани бориб қурбақанинг боласини босиб олди. Она қурбақа биттага камайиб қолган болаларидан суради: “Қани укаларинг?” – “У ўлди, хозир бу ердан тўрт оёқли хайвон ўтаётиб босиб олди”.

“Унинг катталиги менча борми?” – дебди она қурбақа.

“Сен сўрамагин, у билан тенглашмоқчи бўлсанг “анжир” қилиб эзиб юборади” – дейишибди болалари.

Кучсизни кучли билан тенглашиши жуда хавфли.

## Дехқон ва унинг ўғиллари

Дехқон ўлими яқинлашиб қолганини сезиб ўғилларига муурожаат қилибди: “Болаларим мен тез орада ўлсам керак. Боғнинг қаеригадир бойлигимни кўмиб қўйганман, ахтариб топинглар”. Буни эшитган ўғиллар терлаб-пишиб боғни кавлайбошладилар. Хазинани топаолмаган бўлса ҳам боғни бошдан-оёқ кавлаб ташлашибди, бу келаси йилга хосил учун замин тайёрлабди.

Кишилар учун чинакам хазина – халол меҳнат қилишдир.

Тингловчилар диққат билан ўтиришларидан Эзоп беҳад шод эди, ахир уни тинглашларига ўрганмаганда. Қани энди ҳақорат ва калтаклашлар ўрнини бир умрга ана шундай машғулотлар эгалласа, тенг ҳуқуқли суҳбатлашиш гаштини у ҳам хохлаган вақтда амалга ошираолса, қани энди анабу рупарасида ўтирганларнинг имкониятлари унда ҳам бўлса, йўқ унда ҳечқачон ҳеч нарса бўлман эмас, озод бўлмагунча ҳеч нарсага эришаолмайди. Қулнинг кўрлиги шундами. У ўзи яратган нарсаларга ўзи эгалик қилаолмайди, энг мудхиш томони унинг ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ. Ана шунинг учун унинг орзулари, хохишлари севгиси ҳам йўқ. Ҳарқандай орзу-истак қул учун зарарли, чунки уларга барибир эришаолмайди. Бутун умр бошқаларнинг хохишини бажариб яшашдан ҳам уқубатли иш бормикан, йўқ албатта. Бундай беъбахо неъматга эришишимиз учун барча йўллар берк, эришганлар эса уни асло қадрламайдилар. Агарда одамлар эркинликни чинакам

қадрлаганларида эди, ҳечқачон бировнинг эркини кишанламаган бўлар эдилар. Чинакам инсоний ҳаёт билан яшаб ўтиш учун одамзот эркин бўлмоғи лозим, у эркин бўлмагунча ҳеч бир хошишига эришаолмайди, унга севги ҳам, эзгулик ҳам, жамики одамга хос фазилатлар ўғай уларга етишаолмайди, аксинча улардан захмат чекиб ўтади. Қул нафақат жисмоний уқубатга маҳкум, у хўрлик ва ҳақоратлар куршовида бўлишга мажбур. Кишиларни қул қилиш истаги бир ёки бирнеча кишига хос эмас, у барчага хос бўлган нуқсон. Ҳеч бир жонзот ўз жинсига одам каби зулм қилмайди, ҳайвонот оламида қул қилиш ёки қул бўлиш ходисаси учрамайди. У барча нарсага эгалик қилиш истаги билан яшаётган одам боласининг хошишидир. Қулдорлик бу зўравонликдир, шафқатсизликдир.

## Аполлон

Санъат, илҳом ва ёруғлик худоси. Аполлон Зевснинг ўғли. у кишиларнинг тақдирини билади ва белгилайолади. Унинг қароргоҳи Дельфада жойлашган. У ёруғлик ёрдамида ер ости аждаҳоси Пифонни оғир жангда мағлуб қилган, бу ғалабанинг шарафига муқаддас ёдгорлик ўрнатилган бўлиб у ерда Аполлоннинг олтин қорақўли сақланади. Бу олтин қорақўл кохинларнинг айтишларича бўлажак воқеаларни беҳато айтиб бераолар экан. Айтишларича Пифонни енган Аполлон мағрурланиб Афродитанинг ўғли Эротни мас-

харалаб қўяди. Эрот ўз камалаги билан Аполлоннинг юрагига севги ўқини отиб Нимфага нисбатан ишқ алангасини ёқадди. Нимфанинг юрагига эса Аполлонга қарши нафрат қўзғатадиган ўқини отади. Аполлоннинг кучли севгисидан қочган Нимфа отаси Пенейдан паноҳ сўрайди, ота ноилож уни лавр дарахтига айлантириб қўяди. Шунинг учун бир умр кўм-кўк чирой очадиган лавр дарахтининг баргларини ипга чизиб Аполлон бошига ўраб юрар эди. Бошида лавр гулчамбари, қўлида кифара ушлаган Аполлон учун Дельфага дабдабали хайкал ўрнатилган. Дельфаликларнинг энг севимли зиёратгоҳ жойлари шу.

## Афина

Донолик худоси Афина, одамларга, санъат хамда хилма-хил хунарларни инъом қилди. Аёлларни бичув-тикув, эркакларни кулоллик, темирчилик, кемасозлик ишларига ўргатди. Ўз юртини душманлардан химоя қилгани учун ўлкасининг номини унинг исми билан атай бошлашди. Кунларнинг бирида денгиз худоси Посейдон Афина билан бахслашиб қолади. Бахснинг мазмуни ким Афинага энгмуносиб совга бераолса ўша Аттиканинг хукмрони бўлади дейишади. Посейдон хассасининг учини қояга урганда сув фаввораси отилиб чиқади, бунинг оқибатида Афиналиклар мохир денгизчилар бўлиб етишадилар.

Афина қўлидаги найзасини ерга урганда Зайтун дарахти

униб чиқади, бу юнонлар учун келажакда мул хосил гарови эди. Афина ғолиб деб топилди.

Зевс донолик худоси Метида билан турмуш қургандан сўнг ундан худолардан ҳам устун келадиган қиз туҳиғилишидан хабар топади, у хукмронликдан махурм бўлиб қолишдан кўрқиб хомиладор Метидани ютиб юборади. Бу воқеадан озгина фурсат ўтиб унда қаттиқ бош оғриғи пайдо бўлади. Темир худоси Гефестни чақириб бош миясини қирқиб ечишини буюради. Бу воқеадан сўнг очиб кўрилган Зевснинг бошидан муъжизавий ақл сохиби Афина туғилади. Донолик худоси ва фидоийлик рамзи бўлган Афинанинг олтин хайкали юнонларнинг муқаддас саждагохларидир.

\*\*\*

Одамзот учун ташвишдан холи бўлган жараённинг ўзи йўқ, шунчалик кўп ташвишлар ичидан у қувончларни ҳам ахтариб топаолади. Табиий хохишларимизни яхшироқ ўргансак, унда ёввойиликк яқин одамларимиз талайгинадир.

—

Хужайин қулоғим сизда — деди Дродонинг қарсагини эшитиб кирган хизматкор хабаш — нима хизмат буюрадилар?

—

Эзоп билан танишиб олдингми?

—

Албатта.

—  
Сенга ёқдимми?

—  
Ақилли эмиш дейишмоқда.

—  
Ўзинг фахмлайолмадингми?

—  
Биз қулларнинг мустақил фикрлашимиз мумкин эмас. Билмасдан бирор ёқимсиз сўз айтиб юборсак яхши бўлмайди.

—  
Калтаклашади демоқчисанда?

—  
Шундай десам ҳам бўлаверади.

—  
Сен ақлни тушунасан, лекин ўз ақлингга ҳеч қачон эга бўлаолмайсан.

—  
Шунақа.

—  
Сени бир қалтаклашиб бўкиришингни томоша қилмоқчи эдимку кайфим йўқ.

—  
Рахмдиллингиз учун раҳмат хўжайин.

—  
Калтак емаганингга ҳам анча вақт бўлиб қолди, анча соғи-

ниб қолгандирсан.

—

Хўжайин раҳм қилинг, барча буйруқларингизни бекаму-кўст бажараман, фақат калтакламанг.

—

Сен жуда кўрқоқ экансан, салгина пўписа қилсам қалтираб қоласан. Эзоп билан танишиб олдингми?

—

Ха хўжайин танишиб олдик.

—

У жуда довурак, ким билан қандай гаплашишни яхши билади, сен ундан кўп нарсаларни ўрганмоғинг лозим.

—

Албатта шундай қиламан.

—

Бор уни чақириб кел, сизларга бир юмуш бор.

\*\*\*

Қобилият деярли бирхил бўлмасада, барчада бор. Илохий қобилият эса жуда ноёб ходисадир.

—

Сени Эзоп хали – хозир озод қилмайман, чунки ўзингни кўрсатишинг учун анчагина хизмат қилишинг лозим.

—

Хўжайин буни айтмасангиз ҳам биламан.

—

Қаердан биласан?

—

Чунки мени пулга сотиб олгансиз, уни оқлашим керак.

—

Бу гапинг тўғри, нега сени чақирганимни биласанми?

—

Албатта.

—

Қани айтчи нимага чақирганимни?

—

Меҳмон чақирмоқчисиз, шунинг юмушлари учун бўлса керак.

—

Ақлинг анча жойида, буни қаердан билдинг?

—

Бекам шундай дегандек эдилар.

—

Мен файласуфман, агарда қойил қолдираолсанг албатта озод қиламан.

—

Баъзибир жихатларим сизга ёқмайди-да.

—

Қайси жихатларинг?

—

Хушомад қилиш билан ёлғон гапиришни билмайман.

–

Бу яхши-ку.

–

Лекин хўжайинлар ёлғон гапириб хушомад қилган одамларни хуш кўришади.

–

Мен ундай эмасман, айтим-ку файласуфман деб.

–

Файласуфлар доно бўлишади, демак бу сифатларим сизга маъқул бўлади.

–

Сен меҳмон кутишни биласанми? – деди Дродо мақсадга ўтиб – тўғриси айт.

–

Биламан, бозорга бориб керакли нарсаларни харид қилишни ҳам.

–

Балосан-ку.

–

Кимлар меҳмон бўлиб келишини ҳам биламан.

–

Қани айт-чи.

–

Миршабларнинг бошлиғи Аргос билан унинг дўсти Эледро бўлса керак.

—

Баракалла, анча топқир экансан. Бозорга бориб меҳмонлар учун энг лаззатли таом сотиб ол, яхшилаб дастурхон тузат, тушундингми?

—

Тушундим, фақат шароб сотиб олишимни айтмадингиз-ку.

—

Шароб ичишни хуш кўраман-қуя, лекин ичиб олсам ўзимни бошқараолмай қоламан-да.

—

Ундай бўлса меҳмонлар учун кўямиз.

—

Яхши, меҳмонлар учун сотиб ол.

\*\*\*

Афродита одамлар бир-бирларидан худо тўғрисидаги тасавурлари билан фарқ қиладилар. Афродита ишқ ва гўзаллик худоси, никоҳлар хомийси. Зевсининг Океанидидан туғилган қизи. Уни денгиз сувларини тинчитаоладиган қудрати бор деб аташади. Хайвонот ва ўссимлик оламига ҳаёт бағишловчи меҳрга эга. Унга хардоим кишини нишонга олса ўша киши ишқ ўтига мубтало бўлиб “қуябошлайди”, иккинчи ўқи эса аксинча нафрат қўзғайди. Уни юнонлар гўзаллик рамзи сифатида улуғлайдилар.

## Геракл

Геракл юнон афсонасининг қахрамони. У бениҳоя катта жисмоний кучга ва довюракликка эга бўлиб олийхиммат ва ҳалқпарварлик тимсоли. Дахшатли кўргиликларни олдини олган, ёвуз махлуқларни енгган Геракл, адолатсиз шохларни ҳам мағлуб қилади. Геракл Зевснинг Алкмена номли аёлдан кўрган ўғли бўлиб, онаси бир вақтлар Аргос шоҳи Амфитрионнинг хотини бўлган. Гераклнинг туғилишини билган Зевс уни бўлажак Аргос подшоҳи деб эълон қилади. Бахиллиги билан ном чиқарган Гера қастдан Алкменанинг туғишни кечиктириб қўяди, белгиланган вақтда биринчи бўлиб Амфитрионнинг бошқа хотини нимжон ва касалванд Еврисфейни туғади. Отанинг катта ўғли сифатида у Аргос хукмрони деб эълон қилинади, пахлавон Геракл эса унга тоъбе бўлиб хизмат қилиши лозим. Афсонавий Геракл юнонларнинг севимли қахрамони сифатида, олийхимматлик ва фидоийлик рамзи бўлиб қолади.

## Гермес

Гермес тоғлик аёл Майининг Зевсдан пайдо бўлган ўғли. У худоларнинг хабарчиси бўлиш билан бирга кишилар руҳини кузатувчиси, жон олувчи Аиданинг вакили, бениҳоя маккор ва абжир, жуда кўплаб афсона ва ривоятларнинг қахра-

монидир. Мифларнинг бирида айтилишича янги туғилган Гермес Аполлонга қарашли чорва молларига кўзи тушиб қолади-да. Уларни чаққонлик билан ҳечкимга билинтирмай хайдаб кетади, ўғирланган молларни ниҳоятда усталик билан яшириб қуяди-да, зудлик билан уйига қайтиб келиб бешигига ётиб олади. Сир ошкор бўлиб, ғазабланган худолар уни мухокама қилабошлайдилар. Эндигина тили чиққан гўдак ўзини шу даража саънаткорона химоя қиладики. Олимпдаги барча қатнашувчилар хайратдан анграйиб қоладилар. Қойил қолганларидан гўдакнинг гунохидан ўтадилар. Аполлоннинг жахлидан тушириш учун Гермес унга ипакдан махорат билан ясалган тошбақани совға қилиб молларини қайтариб беради.

\*\*\*

—  
Хўш Эзоп нима ишлар қилдинг?

—  
Энг аввал бекамга меҳмонлар келишини айтдим.

—  
Яхши, у нима деди.

—  
Жуда хурсанд бўлдилар, айниқса Аргоснинг келишини эшитиб янада қувондилар.

—

Нахотки, гапинг аниқми?

—

Шубхасиз.

—

Нега айнан Аргоснинг келишидан шод бўлади, қани айтчи?

—

Бундай ишларга қулнинг аралаши мумкин эмас хўжайин.

—

Мен рухсат бераман, гапиравер.

—

Калтакламасликка сўз берасизми?

—

Сўз бераман.

—

Эсингизда бўлса бекам сизга чиройли қул олиб бер деган эканлар, хўш нега айнан чиройли қул, буни сиздек файласуф одам билмоғи лозим эди.

—

Бу гапни айтган эдинг, сен Аргос хақида гапир.

—

Аргос хушбичим, чиройли йигит, харқандай аёлни мафтум қилаоладиган ёқимтой.

—

Буни биламан.

—

Демак бекам чиройли эркакларни хуш кўрадилар.

—

Сен қулваччани анчагина ақлинг борга ўхшайди.

—

Бу гапни мен айтганимни беам билиб қолмасинлар.

—

Хўш, нима маслаҳат берасан?

—

Меҳмондорчилик пайтида аёлингиз билан Аргоснинг кўз уриштиришларини кузатиб ўтиринг.

—

Аргос миршабларнинг бошлиғи, ўзини қаерда қандай тутишни яхши билади.

—

Шунинг учун айтаяпманда, у ўзини бенихоя одобли қилиб кўрсатади, хотинингиз томонига қиё ҳам боқмайди бир мақсад билан кириб келган одам айнан шундай қилади.

—

Майли гапларингни ўйлаб кўраман, бозорга бориб келдингми?

—

Аллақачон бориб келдим, хатто дастурхон тузашга ҳам улгурдим, малол кўрмасангиз бир кўздан кечириб берасиз.

—

Қани юрчи бир дидингни кўриб қўяйлик.

## Гермафродит

Гермафродит Севги худоси Афродита билан худолар хабарчиси Гермеснинг ўғли.

Бағоят гўзал Гермафродитни Салмахида исмли боқира қиз бағоят севиб қолади, лекин йигитга унинг севгисини рад қилади. Қизнинг тинимсиз оху-нолалари худоларнинг раҳминини қўзғатади ва улар қиз ва йигитни бир-бирига қовуштириб қўядилар, натижада икки жинсли одам пайдо бўлади.

## Зевс

Зевс бош худо, одамлар ва худоларнинг хукмрони. Бутун олам, осмон ва самовий кучлар, мамақалдирак ва чақмоқлар, сел ва тошқинлар унинг ихтиёрида. У бутун коинотни назорат қилади, тартибга солади, инсонларни ҳархил офатлардан химоя қилади.

Зевс туғилмасдан аввал унинг отаси Крон туғилажак фарзандларидан бири унга қарши исён кўтаришдан хабар топиб, барча туғилган болаларини ютиб юбораберади. Унинг хотини Рея охириги фарзандини туғилишидан аввал Крит оролига бориб ғор ичида яширинча туғади, бу энг кенжа фарзанди Зевс эди. Унинг туққанидан хабар топган эрига йўртакланган тошни беради, буни сезмаган Крон ўралган тош-

ни ютиб юборади. Вақтлар ўтиб вояга етган Зевс отасининг ютиб юборган опа ва акаларини қайтаришга мажбур қилади, чорасиз қолган Крон ютиб юборган фарзандлари Посейдон, Аида, Гераларни қайтариб беради. Зевс билан отаси Крон ўртасида шиддатли уруш бошланиб Ота титанларни ва бошқа махлуқларни ёрдамга чақиради. Зевс чақмоқ билан барча ёвуч махлуқларни қириб, туби йўқ жарликка улоқтириб юборади ва хукмронликни тўла қўлга олади. Олимпда ўз қароргоҳини белгилайди. Посейдон денгиз худоси, Аида ер ости худоси, Гера унинг рафиқаси бўлиб биргаликда олам хукмронлигини бажаришади. Уларни фарзандлари Геба – ёшлик худоси, Арес уруш худоси, Ефест темирчилик худоси.

\*\*\*

Кишиларнинг қувончу – қайғуларига бефарқ қараш, худбинликнинг энг ярамас туридир, бу қулдорлик тузуми яратган энг улкан нуқсонларидан бири эди.

–

Вов-бой – деб юборишди кириб келган меҳмонлар, дид билан тузатилган дастурхондан хайратланиб.

–

Буни менинг қулим Эзоп тузаган – деди Дродо мағрурланиб – унга вақти келиб эркинлик бераман.

–

Бу қулингни менга сотиб қўяқол – деди Эледро Аргос томонга ўгирилиб – унинг мақтовини анча кишилардан эшитдик.

–  
Уни ҳечкимга сотмайман ахир у масалчи-ку.

–  
Хали масал айтишни ҳам билладими?

–  
Билганда қандоқ, қулоқ олсанг бас тахлаб ташлайди.

–  
Қани бирорта масал айтиб берсинчи – дейишди меҳмонлар бараварига.

–  
Эзоп бизларга ўзинг ёқтирган бирор масални айтиб бер улар қойил қолишсин.

–  
Айтишга айтиб бераман-ку, лекин қойил қолишларига кафолат бераолмайман.

–  
Айтавер.

–  
Қурбақалар ҳукмронсиз яшар эканлар, кунларнинг бирида улар тўпланишиб маслахат қилибдилар, келинлар Зевсдан бизларга ҳукмрон жўнатишни илтимос қиламиз? Кенгашиб олишиб, Зевсга вакил юборибдилар. Зевс ботқоқликка бир боғ ўтин ирғитишни буюрди. Баландликдан ирғитил-

ган катта боғлам ўтиннинг зарб билан тушишидан қурбақалар чўчиб кетибдилар ва хартомонга шунғиб қочиб қолибдилар. Бирқанча фурсат ўтиб жимгина сув юзида қалқиб юрган ўтинни кўришиб унинг устига сакрайбошладилар, охири хафсалалари пир бўлиб яна Зевсга вакил жўнатишибди, “Сен бизларга қаттиққул подшо жўнатгин-ки бизлар ундан хайиқиб айтганларига қуклоқ осайлик. Зевс уларнинг тақлифидан жилмайиб қўйибди “мен сизларга мустабид подшо жўнатаман” деб уларга катта аждахо подшо қилиб жўнатибди. Аждахо қурбақаларни бир бошдан ютиб еябошлабди, қочган қочиб, қочаолмаган ем бўлиб, дод-вой бошланибди. Охир оқибат қурбақалар яна ялинишиб Зевснинг олдига бориб кўз ёши тўкабошлашибди.

Мана жаноблар сизларга оддийгина масал, ундан хулоса чиқариш узларингизга хавола.

–

Бу масал қурбақаларнинг аҳмоқлигига ишора – деди Милейка меҳмонларга маъноли жилмайиб – аҳмоқ бўлишмаса хукмрон сўраб нима қилишади, қуриллаб-чариллаб юрабе-ришмайдами.

–

Зевс уларни синаш учун ўтин ташлаган, хукмрон ўтинга ўхшаса нима бўлишни кўрсатиб қўйган.

–

Улар бундай хукмрон керак эмас деб ўзларига ўлим тилашган.

–  
Энди улар аждаходан қандай қутуладилар?

–  
Хеч қачон қутулаолмайдилар.

–  
Сен Эзоп бизларга аллақанча муаммоларни чоғлаб ташла-  
динг-ку.

–  
Мен масални айтиб бердим холос, ундан хулоса чиқариш  
ўзларингга хавола, чунки кўпчиликка берилган саволнинг  
жавоби хеч қачон бирхил бўлмайди.

–  
Баъзилар бу муаммони ўйлаб кўрамиз, сен яхшиси шароб  
келтир бир хузур қилишайлик – деди Дродо кўтаринки кай-  
фиати билан – қани азизлар дастурхонга мархамат.

–  
Мана хўжайин – деди Эзоп шароб тўлдирилган кўзачади  
ўртага қўйиб.

–  
Нега қадохлар сони биттага кам?

–  
Ўзингиз бугун шароб ичмайман деб эдингиз.

–  
Ха шундай деган эдим, ўйлаб кўрсам фикрим нотўғри  
экан, шундай азиз меҳмонлар даврасида ичмай бўладими,  
бор менга ҳам қадақ келтир.

Қадахлар тўлдирилиб, бўшатилди ҳам, ҳамма тўкин тузати-  
тилган дастурхон томон енгилгина хужум бошлашди, аста-  
секин ноъзу-неъматлар ўрнини янгилари эгаллар, кетма-кет  
ичилган шароб барчани бирдек сергап қилию борар, давра-  
да ўтирганлар қанақадир барчани қойил қолдирадиган ға-  
ройиб гап айтмоқчи бўлар, бунинг уддасидан чиқаолмай яна  
шароб ичишга зўр беришар эди. Дродо ҳам ҳар сафаргидек  
бир меъёрда шароб ичишини тўхтатмас, аста-секин мувоза-  
натдан чиқиб ўзининг “фалсафий” гапларини бошлаб юбор-  
ган. Доим шунақа бўлади, меҳмондорчилик бошланмасдан  
олдин у бугун ичмайман деб ўзига сўз беради, берган сўзи-  
ни бир зумда унутиб ичишни бошлаб юборар, озгина фур-  
сат ўтиб маст бўлиб оларди-да, телба-тескари гаплар гапи-  
риб, кутилмаган қилиқлар қилар кулгили ишларни қилиб ух-  
лаб қолар, эртасига хижолатдан ўзини қаерга қўйишни бил-  
май хижолат бўларди. Бугун ҳам ана шундай бўлиш эхтимо-  
ли йўқ эмасди.

–

Эзо...п – деди у товушини баландлатиб – хали сенга энг  
лаззатли таом тайёрлаб қўйгин деб айган эдим, эсингдан чиқ-  
мадимми?

–

Йўқ хўжайин, эсимда.

–

Қани олиб чиқ.

Эзоп устига рўмолча ёпилган таомни олиб келади.

–  
Ие. бу оддий тилку.

–  
Ха хўжайин бу тил, энг ёқимли сўзлар, ҳам меҳр – мухаббат, ҳам бир-бирини эркалаш, хурматлаш барчаси шу тил туфайли.

–  
Чиндай ҳам шундай, ақлингга баракалла, энди бизга дунёдаги энг бемаза нарсани кўрсат.

–  
Хозир – деди Эзоп яна бир ликоподаги тилни кўтариб – Мана хўжайин.

–  
Бу ҳам тил-ку, нима бизни масхара қилмоқчимисан?

–  
Ундай эмас хўжайин, хазилашаётганим йўқ, дунёда барча ёмон ишлар, хиёнат, фирибгарлик, уруш – жанжаллар шу тил туфайли, жамики фисқи – фужур, иғво, товламачилик каби иллатлар шу тил туфайли.

–  
Яшавор Эзоп – деди Дродо чайқалиб ўрнидан тураркан Эзопнинг елкасига қоқиб – Қул бўлсанг ҳам ақлинг етарли. Бор яна шароб келтир, тўйиб бир ичайлик токи ғам ва андухлар буткул чекинсин.

–  
Дродо бугунча етарлича ичдинг энди тўхтат – деди миле-

ди қатъий охангда.

—

Сен жим ўтир танноз, Аргос билан кўз уриштириб ўтирганигни эрим билмайди деб ўйладингми?

—

Дродо биз сенинг меҳмонимиз, бундай ҳақоратлар яхши эмас.

—

Ичингдан нима ўтаётганини билмайди деб ўйлайсанми, яхшиси мендан узр сўраб тавба қил, йўқса ёмон бўлади.

—

Мени қаттиқ хафа қиляпсан Дродо, эртага ўзинг хижолат бўласан.

—

Сендан... а, сен менинг қанчалик қудратли одам эканимни билмайсан, мени файласуф эканлигимга ақлинг етмади.

—

Майли, майли фақат зўрман деб чиранаберма.

—

Сен қуёнюрак билан гаров ўйнаб кимлигимни кўрсатиб қўймоқчиман, тушундингми?

—

Тушундим.

—

Гаров ўйнайсанми?

—

Нима деб гаров ўйнаймиз?

—

Мен бутун бошли денгизни сувини симириб ичиб юбораман, сен томоша қилиб ўтирасан.

—

Дродо кайфинг ошиб қолди, яхшиси кириб ухла, биз эса жўнайлик.

—

Ха...а қўрқок, кўрдингми. мени қандай қудратли эканимни биласанда.

—

Ёш болага ўхшама, ҳечбир кимса денгиз сувини ичиб юбораолмайди.

—

Мен эса ичаман.

—

Хўп, нима деб гаров ўйнаймиз?

—

Сен эртага ўз гувоҳларинг билан кириб келасан, мен уларнинг олдида денгиз сувини симириб ичиб ташлайман.

—

Хўш кейинчи?

—

Сўнгра менга барча молу-мулкингни ютқизган бўласан, сени кул қилиб оламанда кишанлаб қўяман.

—

Борди-ю ичаолмасанг нима бўлади?

–

Унда барча мол-мулким, хатто хотиним ҳам сенга ўтади, тушундингми?

–

Пушаймон бўлмайсанми?

–

Асло

–

Майли сен айтганча бўлақосин. Эртанги пушаймонинг иш бермайди.

–

Ҳали кўрамиз йиғлаб ялинишларингни, хой хабаш қани.

–

Мен бу ердан хўжайин – деди қарсак товушини эшитиб кириб келган қора хабаш – нима хизмат буюрадилар.

–

Бор ертўладан яна май келтир, унга чўмиламиз.

–

Май қолмади, барчасини ичиб тугатишди.

–

Ахмоқлар сенларга кўрсатиб қўяман, Эзопни боғлаб қўйиб калтаклаймиз, қани олиб келинглар, бир мазза қилиб томоша қилайлик.

–

Хўжайин ундай қилманг, баданимнинг калтак емаган соғ

жойи қолмаган, жоним оғриси бирор кори-хол қилиб қўяман.

—

Унга тегма – деди ғазаб билан Милейка – бегуноҳ бечорани калтаклатиб томоша қиласанми, садқай одам кет.

—

Хой хабаш нега қараб турибсан бу танноз хотинимни оёғидан осиб қўйамиз, додлашини эшитиб мазза қиламиз, қани бошла.

—

Одамни харнарсга бўлгани яхши, сен билан эртага гаплашамиз, еғлабтиб ялингирмасам Милейка отимни бошқа қўяман. Уни олиб кириб ухлатиб қўйинглар.

\*\*\*

—

Вой бошим, вой ўлибқоламан Эзоп қаердасан?

—

Мен шу ердаман хўжайин.

—

Бошим ёрилиб кетай деяпти, худди арилар уя қуриб олгандек. Менга нима бўлди, ҳеч нарсани эслайолмайман.

—

Маст бўлиб олиб анча иш кўрсатдингиз.

—

Миям курсин мени, асло ақлим кирмади. Нималар қил-

дим бир бошдан айтиб берсангчи.

—

Анчагина машмаша қилдингиз, меҳмонларни қувлаб солдингиз, бекамни ҳам анча хафа қилдингиз.

—

Оббо, ёмон ишлар бўлибди-ку.

—

Бу ишлар “холва” энг ёмони хали олдинда.

—

Нима бўлди?

—

Денгизнинг сувини буткул ичиб юбораман деб Аргос билан гаров ўйнадингиз. Ўртача барча молу-мулкингиз, хатто бекамни ҳам тикиб юбордингиз.

—

Тамом бўлибманку.

—

Шунақа хўжайин, улар хали замон гувоҳлари билан кириб келишади, тайёрланаберинг.

—

Энди нима қиламан, қул бўлиб қоламан-ми.

—

Буни ҳам айтингиз, хар холда жуда ёмон иш бўлди.

—

Бирор чора изласангчи Эзоп, ахир сен масалчисан-ку.

—

Мен бир кул бўлсам, нима ҳам қилаолардим.

—

Сен қувонганинг йўқ, шундайми?

—

Сизнинг бошингизга кўргилик келса биз қувонармидик.

—

Йўқса нега илжайиб гапирмоқдасан?

—

Шундай ўзимча.

—

Шундай ўзимча.

—

Гапир, бирор чора топганга ўхшайсан.

—

Борди-ю топсам мени озод қиласизми?

—

Сўз бераман сени қулликдан озод қиламан.

—

Хўжайинлар ноилож қолганда ваъда бераверишади, кейинроқ бориб гапларидан тониб юбораверишади.

—

Тезроқ бўлақол, юрагим бардош бермайди, гапир.

—

Айтганимларимни яхшилаб ўқиб олинг, озгина адашсангиз чатоқ бўлади.

—

Яхши барча айтганларингни уқиб оламан, ўтир, шошилмай нима қилишлигим лозимлигини айтиб бер.

—

Яхши ...

—

Сен ёнимдан асло узоқлашакўрма.

\*\*\*

—

Дродо уйдамансан?

—

Албатта уйда бўламанда.

—

Мени сени қочиб кетган бўлсанг керак деб ўйлаган эдим.

—

Шундай омадли иш кутаётганда мен қочиб кетаманми?

—

Сен бугун тамом бўласан, молу-мулкинг, хотининг, қуларинг меники бўлади.

—

Мен бунинг аксини қилмоқчиман.

—

Бутун бошли денгиз сувини симириб ташлайман десангу, яна баланддан келганингни қара.

—

Мен сўзимни устидан чиқадиган одамман.

—

Сўзингдан тонмайсанми?

—

Асло.

—

Йўқса денгиз бўйича борамизда унинг сувини симириб ичиб ташлайсан.

—

Шу бугун демоқчимисан?

—

Албатта.

—

Йўқ вақтини келишганимиз йўқ, қачон хохлаسام ўшанда ичаман.

—

Сен ғирром экансан.

—

Сен эса ақлинг паст одам экансан, сувни қандай ҳолатда ичилади.

—

Бу сенинг ишинг.

—

Ундай бўлса билиб ол, денгиз суви шўр бўлади уни сен чучук сувга айлантириб беришинг лозим, акс холда бир хўплам ҳам ичмайман.

—  
Дродо сен мутахим одам экансан.

—  
Мен файласуфман, бу донишманд дегани, сен бечора сўз  
уйинини фаххламай гаров уйнаб ютказиб қўйдинг.

—  
Мен хали ютқуздим хамми?

—  
Албатта, бор будингни менга бой бердинг.

—  
Бекорларни айтибсан, барча мулкингни менга ютқазиб  
қўйдинг.

—  
Қани бўлмасам айтганларимни бажаргин.

—  
Шўр сувни чучук қилиб бўладими?

—  
Бўлмаса нега шўр сувни ичса бўлади дейсан.

—  
Мен ундай деганим йўқ.

—  
Дединг.

—  
Э... боре, сен билан машмаша айтиб ўтирмаганим бўлсин.

—  
Ана кўрдингми, ютқазиб қўйганингни аста-секин тан ол-

моқдасан.

\*\*\*

Нодонлик айшу-ишрат, ўйин-кулгу томонга, донолик раёзат чекиб илм томонга одимлай боради. Уларинг орасидаги масофа, тинимсиз узаяверади.

Қўлдорлик (политсизлик) дин хукмрон эди. Халқнинг ҳаёлий ижоди яратган хилма-хил афсона ва ривоятлар, худолар ва қахрамонларни яратиб, диний таълимотни бойитиб берарди. Тасвирий санъат ва хайкалтарошлик диний ақидалар билан чатишиб, кишиларнинг олам ва худолар ҳақидаги тасаввурларига узлуксиз таъсир кўрсатади. Ахлоқ, маданият, адабиёт кабилар диний дунёқараш таъсирида шаклланар. Жамият ҳаётида диний маросимлар асосий рол ўйнар, диний эътиқод, ибодат, сиғиниш орқали ижро қилинган. Ибтидоий одамлар табиат кучларига ҳархил сеҳргарлик йўли билан ижобий ёки салбий таъсир этиш мумкин деб тушунтирганлар, ана шу кучларга маъқул ҳаракат қилиб, “кўнглини топилса” ёки раҳмини келтирилса улар бизга яхшилик келтиради, ёвузлик олдини олиб фалокатлардан холис бўлинади деб тушунтирганлар. Ана шундай йўл билан диний маросимлар ўтказилиб унга кохин, рухоний, сеҳргарлар бошчилик қилишган, ана шу маросимлар йўли билан катта даромадлар олишган. Бундай диний қарашлар қулдорлик даврига келиб

янада ривожланди. Диндорлар хукмрон табақа манфаатларини улуғлаш билан биргаликда тоъбе кишиларни итоат қилишга, хўжайинига шубхасиз буй сунушга, шукроналар айтиб яшашга ўргатишар эди. Харқандай маросимлар энг аввало даромад олишга ва мазлум халқни итоаткорликда ушлаб туришга қаратилар эди. Айниқса табиий офат ва хадислардан жуда усталик билан фойдаланишар, оддий, соддадил кишиларнинг кўнглига қурқув ўйғотиб, мунтазам таъсир ўтказишар эди. Шундай қилиб кўпхудолик дини ривожланиб у илохий ва муқаддас хисобланар, тарғиб ва тазийқни кучайтирар хилма-хил китоблар яратилиб алоҳида таълимотга айланиб борарди, дунёвий, объектив воқеалар бузиб кўрсатилар эди.

\*\*\*

Тош асри деб аталувчи ибтидоий давр жуда узок давом этди. Одамзот хали ярим ёввойи, кўп жихатдан ночор. ўз эҳтиёжини тўла қондираолмай сарсон, унинг қуроли тош ва таёк, гурух-гурух бўлиб яшашдан бошқа иложи йўқ. Қабила деб аталувчи кишилар бирлашмаси асосан аёллар бошқарар, чунки оила аъзолари она атрофида бирлашишга мажбур, шунинг учун аёлларнинг мавқеи ҳам фаоллиги хали юқори эди.

Севги беқиёс шафқатсиздир  
Афлотун

—

Бекам меничақиртирган экансиз?

—

Ха, Эзоп хайрлашиш учун чақирдим сени.

—

Нега энди бекам, кетмоқчимисиз?

—

Кетаман, бу ақли паст эр билан яшайолмайман.

—

Ундай қилманг, хўжайиннинг ақли заиф эмас, хулқи заиф одам, у сизни қаттиқ севади.

—

Биласанми Эзоп, севги икки томонлама бўлсагина мақсадга мувофиқ бўлади, акс холда у азобу-уқубатга айланади.

—

Демак сиз уни севмас экансизда.

—

Афсуски шундай.

—

Биз қуллар севги нималиги хақида ҳеч нарса билмаймиз, шунинг учун мендан бирор-бир маслаҳат чиқиши қийин.

—

Нега ундай дейсан, қул ҳам севиб қолиши мумкин-ку.

—

Йўқ бекам у севаолмайди, борди-ю севиб қолса азобу-уку-

батга дучор бўлади холос. Шунинг учун қуллар орзу-истаклар оғушида яшашдан сақланиши даркор, чунки у ўз истаklarига ҳеч қачон эришаолмайди.

—

Ҳа, сен бечорага қийин эканлигини биламан, лекин на чора, олам ўзи шунақа яратилган.

—

Ҳақоратлар, калтаклашлар, нафақат қўл-оёғимни, барча хохишларимни ҳам кишанлаб ташлаган, биз бечораларнинг истаklarаримиз ҳам, фикрлашларимиз ҳамтоъбедир. Агар юрагини очиб кўриш имконияти бўлганида эди, бизларнинг юракларимиз ўша қаронғилик босган қулдорларнинг юрагига нисбатан порланган қуёшдек кўринар эди. Афсуски юракларимиз берк кўз билан кўриб бўлмайди. Бу халокатга махкум. эрк ўғирлаб эркини йўқотган кишилар жамияти. Бу жамиятда барча эрксиз барча бахтсиз шўр пешонадир. Меҳрини йўқотган кишилар тўдасидир. Қул учун севги ва меҳрнинг кераги йўқ, чунки у бировга меҳр кўрсатаолмайди, севиб қолиши эса азобу-уқубатдир. Қачонлардир эркинликни чинакам қадрлайдиган замонлар келади, ўшанда одамлар қулдорлик деган лаънати тузумни ғазаб ва хижолат билан эслайдилар.

—

Фикрлашинг кишини хайратга солади.

—

Раҳмат сизга бекам, раҳмдил аёлсиз.

–

Сенга нисбатан бўлган муносабатим ўзгариб, ўртамиздаги масофа қисқариб бормоқда, бу нима деганини биласанми?

–

Йўқ.

\*\*\*

–

Хой Эзоп қаердасан қурғур – деди Дродо асабийлашган холда ярим бақариб, – Буёққа кел.

–

Мен бу ердан хўжайин – деди Эзоп шошилиб Дродо нега чақирганини билса ҳам – нима топшириқ берадилар.

–

Хеч нарсдан хабаринг йўқми?

–

Асло.

–

Милейка аразлаб кетиб қолибди.

–

Бу катта кўргилик эмас-ку.

–

Ўзим хайдаб юборганимда кўргилик бўлмас эди, унинг ўзи кетиб қолгани жуда ёмон.

–

Нега?

—

Одамлар мени уят қиладилар, битта хотинни ҳам эплай олмабди деб маломат қилишади.

—

Койиманг хўжайин ҳамма ишнинг ечими бор бу оламда.

—

Ўйлаб кўриш лозим.

—

Ундай бўлса тезроқ ўйла, йўқса сени калтаклатаман.

—

Хўжайин гапингиздан тонмангда.

—

Қачон тонибман.

—

Аргосни бартараф қилсанг сени озод қиламан деган эдингиз, энди эса калтаклатмоқчисиз.

—

Кўп гапирмай амалий ишга ўт.

—

Агарда мени озод қилишга ваъда берсангиз, хотинингизни қайтиб келишига мажбур қиламан.

—

Майли ваъда бераман тезроқ гапир.

—

Айниб қолмайсизми?

—  
Тезроқ гапирсангчи хозир ёрилиб кетаман.

—  
Ундай бўлса менга пул беринг.

—  
Пулни нима қиласан?

—  
Бозорга бориб хар хил нарсалар харид қиламан, кейин хўжайин ўйланмоқчилар деб гап тарқатаман.

—  
Хўш кейинчи?

—  
Кейин рашк ўтига ёнган бекам бу миш-мишларни эшитиб ўзлари кириб келадилар.

—  
Ишончинг комилми?

—  
Мутлақо.

—  
Ундай бўлса ишга кириш, ман пул хозироқ бозорга жўна.

—  
Хўп бўлади, фақат узоқ йўқ бўлиб кетсам койиманг, анчагина сайр қилишимга тўғри келади.

—  
Сенга рухсат, ишни бузиб қўймасанг бўлгани.

—

Озгина сабр қилсангиз бўлгани хўжайин, гапнинг оёқ-қўли чаққон бизлардан тезроқ юради, хотинингиз мендан олдинроқ кириб келса ажабланиб ўтирманг.

\*\*\*

Покиза яшаш учун, эзгулик ва ёвузликнинг табиатини билиш билан бирга бурч, адолат, мардлик нималигини тўла туншунмоқ лозим.

Сократ

Тараққиёт ва ривожланиш ўзининг қайсар ва енгилмас хулқи билан тинмай олдинга одимлар, барча соҳа изланиб-изланиб қандайдир муъжизакор янгилик билан яқунланар. Одамлар ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун тер тўкиб меҳнат қилишга мослашиб боришар. Чорвачилик, ерга ишлов бериш мисли кўрилмаган натижаларга эришар, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ошиб борарди. Натижа қанчалик ошиб борган сари истак ва эҳтиёжлар ҳам шу даражага кўтарилар, бу ҳаракатлар бойлик деган маъжизани яратиб уни кўпайтириш учун шафқатсизлик каби нуқсон-касалликни пайдо бўлишига олиб келди. Бойиб олган одамлар ана шу бойликнинг сеҳрли кучини ишга солиб янада бойиш йўлида шафқатсизлик қилишар, очкузлик одамлар ўртасида кенг тарқалабошлади. Мазлум кишилар ўз истакларини хаёл суриш билан ифодалашар бундай хохишлар

кўплаб афсона ва ривоятларнинг яратилишига сабаб бўларди. Табиий офатлар ҳам кишиларни нимадандир нажот излашга даъват этар, улар ҳаёлан ўзларига рахнамо ахтарар эдилар. Бўларнинг барчаси бирлашиб кишилар онгида қандайдир ноъмақул кучларга сиғинишни, кўпхудолик динини пайдо бўлишига олиб келди. Одамлар ишлаш билан биргаликда ибодат қилишга ҳам ўрганиб бордилар. Эндиги одамнинг моддий эҳтиёжи ёнида, маънавий эҳтиёж ҳам пайдо бўлди. Бу эҳтиёж аста-секин ривожланиб кишиларнинг очкузлик, шафқатсизлик, ёвузлик каби иллатларга қарши бўлган кучга айланабошлади. Одамзот аста-секин моддий неъматлар қаторида маънавий неъматлар ҳам яратабошлади. Юнонлар яратабошлаган ривоят ва афсоналар ижод томонига қўйилган биринчи қадам эди. Бу бошланган ижод биричи қаҳрамонлар ва худолар билан биргаликда. хилма-хил дostonлар, кўшиқлар, мусиқаларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди. Ижод ахли хайратланарли муъжизалар, тасвирий санъат, хайкаллар, меъморий иншоотлар ясашга ҳам ўрганиб бордилар. Қадимги юнонлар оламини билиш ва ўрганишга чанқoқ халқ эдилар, ана шу чанқoқлик натижасида улар худоларни худди одамлар каби тасаввур қилардилар ва уларни одамзот сифатига ўхшаш қилиб безар ва таърифлашар эди. Одамлар худолар сиймоси орқали ўзларини чуқурроқ англашига интилардилар, бу интилиш албатта ўз натижаларини берар эди. Гўзаллик яратиш йўлидаги истаклар яхши натижалар билан якунланиб, маънавиятнинг гуллаб яшнашига олиб ке-

лар, халқнинг ижодий қатлами тинимсиз меҳнат қилиб, ибодатхоналар, меъморий обидалар барпо қилар, дастлабки бадий асарлар ва ижод махсуллари пайдо бўлар эди. Маънавий гўзалликлар қаторида, худбинлик, ёвузлик, очкўзлик каби иллатлар ҳам ривожланиб борар эди. Оддий кишилар ўз орзуларини ифодалаб ҳаёлан ажойиб қаҳрамонлар сиймосини яратишар, бундай қаҳрамонлар ўз фидоийлари билан хатто худоларга қарши борардилар. Ана шундай ҳаёлий гўзаллик ва фидоийлик рамзи Прометей ва Геракл эди. Бу қаҳрамонлар ўз ҳаётларини халқ фаровонлиги учун бағишлаган, одми ҳамда олийҳиммат, мустаҳқам ирода соҳиби ва ўз ишларининг тўғри эканлигига мутлоқ тўла беқиёс қаҳрамонлик ва галабалари айнан оддий одамларнинг орзу-истаклари билан ҳамоханг эди.

## Геракл

Ривоятларда айтилишича Зевс подшо Амфитрионнинг хотини Алкменани севиб қолади. У Амфитрион қиёфасига кириб Алмена билан кўнгилхушлик қилади, натижада Алкмена икки ўғил эгизаклар туғиб беради. Эгизакларга Алкид ва Ификлид деб исм қўядилар. Алкид кейинчалик Геракл исмини олиб Юнонистоннинг буюк ўлмас қаҳрамонига айланади. Халқнинг афсонавий сеvimли қаҳрамони Геракл тўғрисидаги саргузашт-афсона-хикоялар беҳисоб.

Зевснинг аёли Гера эри Зевснинг одам наслига уйланиб

ундан фарзанд кўрганидан хабар топиб қаттиқ ғазабланади, у умр бўйи Гераклга зиён-захмат етказиш билан машғул бўлади. Беқиёс жисмоний қувват ва иродага эга бўлган Геракл ва Гера ўртасидаги кураш жуда узоқ давом этади. Булар Геракл саргузаштларининг асосини ташкил қилади.

Зевс, илохий қудратга эга бўлган оловни одамларнинг кўлига тушиб қолмаслигини ҳардоим таъкидлар, бу ишни вақти-вақти билан ўз назорат қилар эди.

Оловнинг муъжизакор хислатидан хабар топган Прометей, қандай бўлмасин уни одамларга етказиш ҳақида қайғу-рабошлади, чунки олов кишиларга хартомонлама фойдали эканлиги аниқ эди. Узоқ изланиб, кўплаб хавф-хатарларни энгиб у оловни одамлар кўлига топширади. Натижа кутганидан ҳам ортиқ бўлиб кишилар ундан фойдаланишни тезлик билан ўрганабошлайдилар ва яхши тараққий қиладилар. Бундан хабар топган Зевс нихоятда ғазабланади, у Прометейнинг ушлаб энг узоқда жойлашган қояга кишанлаб қўйишни буюради. Темир худоси Гефест Зевснинг буйруғига биноан Прометейни қояга кишанлаб қўяди. Хар куни бир-неча бор Осмондан учиб тушадиган бахайбат Бургут Прометейнинг биқинини тумшуғи билан очиб жигарини чўкиб еябошлайди, бирқанча фурсат ана шундай азоблаб учиб кетади, беқиёс укубатдан қийналаётган “айбдорни” хар куни ана шундай азоблашади. Одамларни бениҳоя севган Прометей бу тинимсиз укубатга бардош билан чидади. Бундай шафқатсизликдан хабар топган Геракл, Прометейни кутқариш-

га шайланади, қанча-қанча қийинчиликларга учрасада охир оқибат кишанланган Прометейни топишга сазовор бўлади. Хавода пайдо бўлган бахайбат бургутни камалаги ёрдамида отиб қулатади, Прометейнинг кишанланган қўл-оёқларини бўшатиб, одамлар ичига олиб бориб топширади. Ана шундай қилиб кишиларга оловни хадъя қилган Прометей халқ қахрамони сифатида олқишланади.

\*\*\*

Одамзот табиатида бировни қул қилиш истаги ёнида беихтиёр қул бўлиш истаги ҳам мавжуд, чинакам эркин бўлиш учун иккисидан ҳам воз кечиш зарур.

# Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.